



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ



**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА  
ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ  
(методик қўлланма)**



Тошкент-2020

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Республика таълим маркази

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА  
ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ  
(методик қўлланма)**



Тошкент-2020

**УДК:**

**КБК:**

**Тузувчилар: Умумий ўрта таълимда география фанини ўқитиш методикаси (методик қўлланма).** Тошкент: "...", 2020. - ..бет.

ISBN .....

УДК:

.....

КБК: .....

Мазкур қўлланма умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, фан методистлари учун мўлжалланган бўлиб, Миллий ўқув дастурини замонавий ёндашувлар асосида жорий этиш, илғор халқаро ва хорижий тажрибалар, компетенциявий ёндашув асосида ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш мақсадида мотивацион ва инновацион ечимларини қўллаш, таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ёритилган.

Қўлланма умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, раҳбарлари, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари методистлари, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррирлар: .....**

**Тақризчилар:**

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази Илмий кенгашининг 2020 йил ..... даги №...қарори билан нашрга тавсия этилди.  
ISBN...

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>1. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАВСИФИ</b> .....	7
1.1.Таҳлиллар, таърифлар.....	12
1.2. STEM/STEAM/STREAM .....	Ошибка! Закладка не определена.3
1.3. CLIL методикаси.....	17
1.4. ИМЕА(АРИЗ)/ИМЕТ(ТРИЗ).....	19
<b>2. ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ</b> .....	21
2.1. “Moursund” методи .....	28
2.2. “Brenrayting” методи.....	29
2.3. “Лойиҳа” методи.....	30
<b>3. ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b> .....	31
3.1. Кичик гуруҳлар ва жуфтликда ишлаш.....	36
3. 2. “Сухбат дарси” методи.....	37
3. 3. “Узвийлик ва узлуксизлик” методи.....	38
<b>4. ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ</b> .....	39
4.1. “Ротация” методи.....	46
4.2. “Эвристик таълим”, “Эврика” методлари.....	46
4.3. “Интервью” методи .....	47
4.4. “Панелли мунозара” методи.....	48
<b>5. МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ</b> .....	49
5.1. “Кейс-стади” методи.....	51
5.2. “Танқидий тафаккур” методи.....	53
5.3. “Муаммоли вазият” методи .....	54
5.4. “Лойиҳа” методи .....	55
<b>6. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ</b> .....	56
6.1. Синхрон ва асинхрон ўқитиш.....	70
6.2. Адаптив (мослашувчан) таълим.....	71
6.3 Виртуал макон ва виртуал синф .....	72
6.4. Тўлдирилган ахборот макони .....	72
6.5. Таълимда сунъий интеллект .....	74
6.6. МООС-оммавий очик онлайн курс .....	75
6.7. Интерактив ўйинлар.....	76
<b>7. ДАРС ИШЛАНМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР</b> .....	78

8. ГЛОССАРИЙ.....	98
9. Фойдаланилган манбалар.....	99

## КИРИШ

Жаҳонда фан ва техника тараққиётининг жадаллик билан амалга ошиши, инновацион технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бундай ўзгаришлар глобаллашув шароитида барча соҳаларда кучли рақобат муҳитини шакллантириб, ўз навбатида, таълим соҳасига нисбатан янги талабларни қўймоқда.

Шунингдек, таълим тизимида сўнгги бир йилда етмишга яқин Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармон ва фармойишлари қабул қилинди. Бу том маънода, таълим тизимида ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди.

Жумладан, “Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва методларини жорий этиш”<sup>1</sup> каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ҳақиқатдан ҳам, умумий ўрта таълим муассасаларининг миллий методологиясини такомиллаштириш, ривожланган давлатларнинг ўқитиш методикаларини ўрганиш ва миллий кадриятларимиз сингдирилган методик асосларини ташкил этиш, рақамли ва кенг форматли масофавий таълим методларини ўзлаштириш бугунги тараққиёт даражаси билан узвий алоқадор.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Мактаблар олдига қўйилаётган асосий талаблардан бири — юқори малакали, ўз соҳасининг билимдони бўлган ўқитувчилар базасини шакллантириш билан бирга, методологиянинг тўғри ташкил этилиши, танланган технология ва методларнинг мавзуларга мувофиқлигини таъминлашдир. Методологияни ривожлантириш ўқувчининг муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга, вақтни тежашга, ҳар бир ўқувчини фаолликка ундашга, уларнинг эркин ва мустақил фикрлаш лаёқатини ҳамда ўз фикрини ҳимоя қила олиш кўникмаларини шаклланишга олиб келади. Айниқса, бугунги ўқувчи ёшларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил, илмий-ижодий изланишлари, инновацион ғояларга нисбатан чексиз қизиқиши — ўз-ўзидан дунё муносабатларида янги муносабатлар пайдо қилишга, таълимнинг янада янги қирраларини кашф этишга, халқаро тажрибалар асосидаги ўқитиш методикаларини ўқитувчиларга ўргатишга, ўқув жараёнини замонга мос шаклда ташкил этишга ундайди.

Таълим муассасаларида амалий фаолият тажрибасини таркиб топтириш, таянч компетенцияларни шакллантириш, ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва педагоглар компетентлигини ривожлантириш, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш орқали ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу қўлланмада, белгиланган вазифаларга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларда ДТС талаблари ва ўқув дастурида белгиланган БКМ ва компетенцияларни шакллантириш, умумбашарий қадриятларни, маънавий-ахлоқий фазилатларни уқтириш, уларда меҳнат кўникмалари, танқидий ва ижодий фикрлаш, касб танлашга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш ва бунинг учун аввало, ўқитувчи фаолияти натижаларига қўйилган талабларни бажарилишига эришиш, ўқитиш

жараёнида илғор тажрибалардан фойдаланиш, таълим истеъмолчиларида XXI аср кўникмаларини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тавсиялар келтирилган.

Зеро, донишмандларимиз бежизга, “Билим кунда орттириладиган тажриба зарраларидан таркиб топади”, -дея таъкидламаганлар.

### **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАВСИФИ**

Жаҳонда фан ва техника тараққиётининг жадаллик билан амалга ошиши, инновацион технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бундай ўзгаришлар глобаллашув шароитида барча соҳаларда кучли рақобат муҳитини шакллантириб, ўз навбатида таълим соҳасига нисбатан янги талабларни қўймоқда. Натижада энг ноёб капитал сифатида кадрланаётган таълимнинг барча босқичларида, таълим-тарбия бериш ва натижаларни баҳолаш самарадорлигини ошириш, ўқитиш усуллариини такомиллаштириш орқали барча инсонлар учун уларнинг ҳаёти давомида сифатли таълим олиш имкониятини яратиш муҳим долзарблик касб этмоқда.

Ўқувчиларда амалий фаолият тажрибасини таркиб топтириш, таянч компетенцияларни шакллантириш орқали ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва педагоглар компетентлигини ривожлантириш, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш орқали ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

“Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан

янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш”<sup>2</sup> каби вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланишдан миллий юксалиш сари принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни: Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини босқичма-босқич жорий этиш ўқувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил ривожланишга ўргатиш, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришни назарда тутди.

Бугунги таълим тизими эски мазмундаги ўқув дастурларидан воз кечиб, инновацион рақамли иқтисодиёт ва ахборотли жамият учун кадрлар тайёрлаш имконини берадиган ўқитиш тизимига ўтмоқда. Шунга мос равишда таълим беришга ёндашувлар ҳам ўзгариб, интернет ва ахборот технологиялари шарофати билан ўқитувчилар оддий билим берувчидан, ўқитувчи ташкилотчига айланмоқдалар.

Айрим ўқитувчилар учун бундай ўзгариш осон бўлмайди. Бундай даврда рақобатбардошлик, шахслараро муносабатларни ўрната олиш қобилияти зарур бўлганлиги сабабли, ўқув дастурлари мазмуни танқидий фикрлаш, коммуникативлик, ижодий яратувчанлик ва ҳамкорлик кўникмаларини, яъни компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Мазкур методик қўлланмада ўқувчиларда XXI аср кўникмалари, яъни билим олиш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий компетенцияларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, уларда меҳнат кўникмалари, танқидий ва

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.



ижодий фикрлаш, касб танлашга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш имконини берувчи баъзи замонавий технологиялар ва ўқитиш методларини келтирмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай педагогик технологиялар ва методларнинг натижавийлиги уни қўллаётган ўқитувчининг ижодий ва касбий маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчининг касбий маҳорати, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва қизиқишлари, таълим муҳити ва мавжуд имкониятларни инобатга олган ҳолда тўғри тушунилган, танланган ва қўлланилганда қўзланган педагогик мақсадга эришиш имконини беради. Аммо, ҳамма ўқитувчилар ҳам педагогик технология, методика, метод, усул, услуб каби тушунчаларни яхши фарқлай олмайди.

Мазкур тушунчаларнинг этимологиясига эътибор қаратайлик. Метод юнонча сўз бўлиб, тадқиқот ёки билиш йўли, умумий маънода мақсадга эришиш йўли маъносини ифода этади. Метод ўқув мақсадига эришиш йўли бўлса, усул методнинг алоҳида томони ёки таркибий қисмидир. Масалан, бошланғич синфларда ўқитувчилар томонидан кўп қўлланиладиган машқ манбасига кўра амалий метод ҳисобланса, уни қўллаш эса бир нечта усуллар (машқнинг қоидасини ўқиб бериш (1-усул), биттасини намуна сифатида бажариб кўрсатиш (2-усул), ўқитувчининг намунаси асосида ўқувчилар томонидан машқнинг бажарилиши (3-усул), ўқувчилар томонидан бажарилган машқларни текшириш ва хатоларини тузатиш (4-усул) ва бошқалар) ёрдамида амалга оширилади. Ўқитувчиларнинг айримлари эса, “метод” тушунчасининг ўрнига “услуб” тушунчасини ҳам қўллайдилар. Аммо “услуб” тушунчаси “метод” атамасининг моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Чунки услуб кўпроқ хусусий (сўз бораётган ҳолатда айнан ўқитувчига хосликни ифода этади) тавсифга эга бўлиб, аниқ мақсадга эришиш йўли сифатида хизмат қила олмайди.

Сўнги вақтларда педагогик ва методик адабиётларда методларни “фаол”, “суст”, “интерфаол” каби турларга таснифлаш ҳолати қайд этилмоқда. Аслида фаол (актив) ва суст (пассив) методнинг ўзи бўлмайди. Мазкур методлар таснифи ўқувчининг жисмоний ҳолати ва ҳаракатига нисбатан шартли олинган. Ҳозир баъзи бошланғич синф ўқитувчилари “Биз тушунтириш методини қўлласак, ўқувчилар фаол бўлишмайди, фақат тинглаб ўтиришади. Унинг ўрнига биз ўқувчиларнинг ўзини ҳаракат қилдиришимиз керак” деган фикрни кўп такрорлашади. Тўғри, дарс жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш муҳим, бироқ бу тушунтириш методини кам таъсирга эга дейиш учун асос бўла олмайди. Ўқувчиларни ташқи томондан фаолликка ундамайдиган методларда ўқув фаолиятининг энг асосий шакли ҳисобланган мнемоник (яъни ички) ҳаракатлар – ўқувчининг ўрганилаётган материални идрок этиши, тасаввур қилиши, таҳлил этиши, хулоса чиқариши кабилар мавжуд бўлишини инкор этмаслик керак.

Кўпчилик ўқитувчилар “интерфаол методлар”ни технология деб тушунишади ёки шундай аташади. Масалан, ўқитувчиларга “Машғулот жараёнида қандай технологиялардан фойдаланасиз” деган савол билан мурожаат этилса, дарс жараёнида кластер, ақлий хужум, зигзаг, ФСМУ, балиқ скелети каби технологиялардан фойдаланаман деган жавобни беришади. Албатта, бу борада фақат амалиётчи-педагогларни айблаш ҳам ўринли эмас. Сабаби педагогик технологияга доир адабиётларда “интерфаол метод” тушунчасининг ўрнига “технология” сўзини қўйиб ишлатиш ҳолати жуда кўп учрайди. Агар интерфаол методларни “технология” сўзи билан ифода этаётган мутахассислар уларни қўллаш босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутиб, шундай ёндашувга асосланаётган бўлсалар бундай назарий-методологик асос дидактик нуқтаи назардан мутлақо хато.

Интерфаол методлар бошқа методлар сингари ўқув машғулотининг

таркибий қисми сифатида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини ташкил этишга ёрдам беради. Бошқача айтганда, технологик жараённинг тўлиқ амалга оширилиши учун хизмат қилади. Интерфаол методларнинг энг асосий хусусияти ўқувчиларни фаоллаштириш ва фикрлашини ривожлантиришга имкон беришидир. Уларни мутлақлаштириб қўйиш ҳам ўринли эмас, чунки интерфаол методлар янги билимларни беришга хизмат қилмайди. Ана шу сабабли улар бир неча асрлардан бўён қўлланиб келаётган суҳбат, ҳикоя, тушунтириш, кўрсатиш, намойиш этиш, дидактик ўйин каби методларни четга суриб қўя олмайди. Ўқувчиларни билимлар билан қуроллантирмасдан туриб, уларни фикрлашга ва фаолликка ундаб бўлмайди. Чунки “бўш бош фикрламайди”, фикр юритиш учун нарсасиз ҳолатда етарлича билимга эга бўлиш керак!

Шу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнгги вақтларда “технология” тушунчасини методикадан устун қўйишга уринишлар юзага келмоқда. Аслида “методика” тушунчаси технологиядан юқори туради. Чунки методика – бу метатехнология. Агар мазкур тушунчани ўқув жараёнига татбиқ этадиган бўлсак, ўқув жараёни, мақсади, вазифалари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини белгилашга доир умумий талаблар мавжуд. Ҳар бир ўқув машғулотини амалга ошириш маълум белгиланган алгоритмик кетма-кетликка асосланади. Методика ана шу алгоритмик кетма-кетликнинг умумий ва хусусий қоидаларига асосланишни талаб этади. Ўқитувчи ўқув мақсади билан боғлиқликда машғулотни ўтказиш технологиясини эркин танлаши мумкин. Аниқроқ айтганда, ҳар бир машғулотда кутиладиган натижага мос ҳолда ўқув босқичларини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, ҳар бир босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни танлаб олиш имконияти юзага келади.

“Методика” ва “технология” тушунчаларининг баҳс доираси билан ҳам

боғлиқликда айрим фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, методик тизим “Қандай ўқитиш?”, “Нима учун ўқитиш?”, “Нимага ўргатиш?” каби саволларга жавоб излайди, технология эса, “Қандай тарзда самарали ўқитишга эришиш мумкин?” деган саволни марказга қўяди. Методика ўқув жараёнинин қандай тарзда ташкил этиш лозимлигини назарда тутса, технология қай йўсинда ўқув жараёнини энг қулай, мақбул тарзда амалга оширишга диққат-эътиборни қаратади.

**Замонавий шароитда педагогик жараёнда атамаларни тўғри қўллаш мақсадида қуйида уларнинг аниқ таърифини келтириб ўтамиз:**

**Технология** (бошқа юнон тилидан. Τέχνη - санъат, маҳорат, қобилият; λόγος - "сўз", "фикр", "маъно", "тушунча") - керакли натижага эришиш учун усул ва воситалар тўплами; кенг маънода илмий билимларни амалий муаммоларни ҳал қилиш учун қўллаш. Технология иш усулларини, унинг тартибини, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўз ичига олади.

**Педагогик технология** – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

**Ўқитиш технологияси** – ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва ўқувчининг вазифаларини ойдинлаштириш қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

**Тарбия технологияси** – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

**Метод** сўзи юнонча тадқиқот, мақсадга эришиш йўли, усули деганидир.

Бў сўзнинг этимологияси (келиб чиқиши) унинг илмий категория сифатидаги талқинида ҳам акс этган. **Метод** – энг умумий маънода мақсадга эришиш йўли, маълум тарзда тартибга солинган фаолият.

**Таълим методлари** дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этишга доир ўқитувчининг ўргатувчи иши ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари йиғиндиси тушунилади.

**Таълим усули** – ўқитиш методининг таркибий қисми ёки алоҳида томони. Усул ва метод бутун ва қисм сифатида бир-бирига боғланади. Усуллар ёрдамида фақат ўқув вазифасининг бир қисми ҳал қилинади.

**Интерфаол метод** – ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам ўқувчини фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш усуллари мажмуи.

**График организерлар** – ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график организерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда қўлласа восита вазифасини, ўқувчиларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради.

**Методика** – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. “Методика” тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам боғлиқликда қўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари йиғиндисини ўзида ифода этади.

## STEM/STEAM/STREAM

**STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics)** технологияси таълимдан фарқли равишда билимларни алоҳида эмас, ўзаро мутаносиб ҳолда олиб боришни таъминлаб беради. Ўқувчи ўзида ностандарт фикрлаш, муаммога бир нечта ечим топиш ва ижодкорлик кўникмаларини шакллантиради ва бу унинг келажақдаги фаолиятида жуда қўл келади. Бундан



асосий мақсад, ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини амалиётда қўллаш ва ҳаётга тадбиқ қилиш имконини яратишдан иборат. Илм-фан технологияси ва математика ўзаро боғлиқ тушунчаларни ўргатадиган ва танқидий фикрлаш ва аналитик кўникмалар билан ечилган муаммоларни аниқлашга қаратилган илм-фан ва унга алоқадор мавзуларга замонавий ёндошувни рамзлаш учун ишлатиладиган қисқартма бўлди.

STEM таълими амалий машғулотлар ёрдамида илмий-техник билимларни реал ҳаётда қўллаш имкониятини шакллантиради. Кейинчалик ривожланиш жараёнида **STEAM, STEMM, STREAM** шакллари пайдо бўлди.

**STEAM (Science, Technology, Engineering, Art, Mathematics)** STEAM таълим технологияси мактаб ўқувчиларини янгича ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли методика ҳисобланади. У ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида тўртта - фан (**Science**), технология (**Technology**), муҳандислик, (**Engineering**), тасвирий санъат (Art), математика (**Mathematics**) бўйича ўқитишга мўлжалланган. **STEAM** фан бўйича эмас, балки маъзулар бўйича интеграциялашган ўқитиш тизимидир.

**STEMM (Science, Technology, Engineering, Music, Mathematics)** таълим технологияси мактаб ўқувчиларини янгича ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли методика ҳисобланади. У ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида бешта - фан (**Science**),

технология (Technology), муҳандислик, (Engineering), мусиқа (Music),  
математика (Mathematics) бўйича ўқитишга мўлжалланган.

## **STREAM** (Science, Technology, Reading, Engineering, Art, Mathematics)

таълим технологияси мактаб ўқувчиларини янгича ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли методика ҳисобланади. У ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида **олтита - фан (Science), технология (Technology), ўқиш (Reading) муҳандислик, (Engineering), санъат (Art), математика (Mathematics)** бўйича ўқитишга мўлжалланган.

Кундан кунга технологиялар ривожланган ҳозирги даврда ёшларнинг техник, маданий саводхон бўлиши робототехника фанларни яхши ўзлаштириши доимгидан ҳам муҳимроқдир. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли [Фармони](#) асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида STEAM таълимни жорий қилиш юзасидан алоҳида вазифалари белгиланди. Ҳозирги вақтда инсон ҳаётининг турли соҳаларини кенг миқёсда роботлаштириш: машинасозлик, тиббиёт, космик саноат ва бошқалар ишлаб чиқариш соҳаларининг ажралмас қисмига айланди. Биргина, тиббиёт соҳасини олайлик, хориж техник жиҳозлари кенг қўлланилмоқда. Бу медицина жиҳозларини ишлатиш учун албатта кучли мутахассислар керак бўлади. Ўқитувчилар лоақал шуни кўз олдиларига келтириши ва бугунги ўзининг ўтаётган дарсини шу талабга мувофиқми деган савол билан қизиқиб кўриши шарт. Ўқувчилар ўз роботларини яратиб, компьютер дастурлари тизими томонидан бошқариб, робототехника мусобақалари, кўрик-танловларда иштирок этаётган ҳамда интернетда чет давлатлар билан ҳамкорлик ишларини юритаётган бир пайтда ўқитувчиларнинг масъулиятини оширмасликнинг иложи йўқ. STEAM ёндашувининг асосий хусусияти шундаки, бунда ўқувчилар кўпчилик фанларни самарали ўрганишда ақли ва қўл меҳнатидан фойдаланишади, амалий билимларни мустақил эгаллашади. Ўқувчилар ўқув машғулотларида тажрибалар ўтказишади, моделларни конструкциялайди, роботларни ясашади, ўз ғояларини амалга оширадилар ва маҳсулот яратишади, бундан кўзланган натижа шуки, “техника асри”да касб мутахассисликлари заруратини ҳозирдан башоратлаш, жаҳонҳамжамияти талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, табиий ва аниқ фанларни чуқурлаштириб ўқитиш орқали иқтисодиётнинг инновацион ривожланишга эришишдан иборат.



STEAM таълимнинг афзаллиги шундаки, фанларни ўқитиш фарқли ўлароқ билимларни алоҳида эмас, ўзаро мутаносиб ҳолда беради. Бола ўзида ностандарт муаммоларни ечиш, имкониятлар яратиш ва ижодкорлик қобилиятларини шакллантиради ва бу келгусида унинг ҳаётида жуда қўл келади .

STEAM ўқувчиларнинг лойиҳа ва ўқув-тадқиқот фаолиятини мактабда ва мактабдан ташқарида амалга ошириш учун, албатта, мактабларда “STEAM лаборатория хонаси”нинг бўлиши шарт. STEAM таълимни жорий қилиш ва ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари:

STEAM таълимни давлат таълим стандарти талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таҳлил қилиш, таълим мазмунини янгилаш;

STEAM таълимнинг мақомини ошириш, унинг умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига миллий ва умуминсоний ҳамда моддий ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, метод ва воситаларини кенг жорий этиш;

STEAM таълим мазмунида, технологик саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш, мустақил амалий фаолиятда қўллаш имкониятини яратиш;

STEAM таълимни ташкил этишда инновацион ёндашув (компетентли, тизимли, комплекс, фаолиятли, лойиҳа, технологик) асосида инвариант ва вариатив ўқув модулларига ажратиб ўқитишни жорий этиш;

STEAM таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий методлар асосида ихтирочилик, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш имконини берувчи илғор методологиялардан фойдаланишни татбиқ этиш;

STEAM таълими йўналишидаги фан (кимё, биология, физика, математика) ўқитувчиларининг мутахассислик фанлари бўйича малакасини ошириш;

STEAM таълимини жорий этиш учун табиий ва аниқ фанларни чуқурлаштириб ўқитиш орқали иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига эришиш;

### **ЎҚИТУВЧИЛАРГА БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР:**

истиқболли технологик, замонавий стандартларга мос келувчи, йўналишларни тадқиқ қилиш ва жорий этиш;

ўқувчиларда технологик саводхонлик, танқидий, креатив ва тизимли фикрлаш юзасидан билим, кўникмаларини, лойиҳалаш, технологик ва тадқиқотчилик маданиятини ривожлантириш;

касб танлашда мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган таянч компетенцияларни шакллантириш;

ўқувчилар натижаларини миллий ва халқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этишни таъминлашдан иборат.

STEAM таълим муҳиtida ўқувчилар эгаллаган билимларидан амалда фойдаланишлари сабабли улар улғайиб, вояга етгач, реал ҳаётда учрайдиган турли муаммоларга дуч келишганида, масалан, атроф-муҳит ифлосланиши бўладими, иқлим ўзгаришими, ечим қила олиш кўникмалари шаклланган бўлади.

Хулоса қилинганда, бу ёндашувлар ўқувчиларда янгича фикрлаш ижодий ва таҳлилий кўникмаларини ривожлантиришга асосланган.

### **CLIL методикаси.**

**CLIL (Content and Language Integrated Learning)**- Mazmun va tilni integratsiyalashgan holda o'rganish

CLIL атамаси 1994 йилда Финляндиянинг Живаскила университети Девид Марш томонидан тузилган бўлиб, тилга сингдирилиши ва мазмунга

асосланган ўқитиш услубига хос услуб сифатида яратилган. Методология кўплаб мамлакатларда бизнес шароитида қўлланилган ва самарали ёндашув сифатида кенг қабул қилинган.

Ҳақиқатдан ҳам, муҳим бўлган тадбиркорлик ривожига бу таълим методикасининг тарафдорлиги жуда кўпчиликини ташкил этади.

Ушбу ёндашув Европа Комиссияси томонидан жуда муҳим деб тан олинган. Ўрганувчиларнинг кенг доираси, ёш ўқувчиларга ва умумтаълим мактабларида расмий тилни ўрганишга яхши жавоб бермаганларга ўз-ўзига ишончли шакллантиради, ўқув дастурида қўшимча вақт талаб қилмасдан, тилга таъсир қилишни таъминлайди, бу эса касбга қизиқиш уйғотиши мумкин. Ушбу ёндашув қўшимча тил орқали тарих, география ва бошқа фанларни ўрганишни ўз ичига олади .

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим мақсадини амалга оширишда CLIL методикасидан кенг фойдаланилади. CLIL турли хил таълим турлари учун соябон атамаси сифатида қабул қилинади. Тил ўқитувчилари учун афзаллиги шундаки, мавзуларни ўйлаш учун кўп вақт сарфлаш заруриятини йўқотади, мотивация беради. Тилни ўқитишда ўқувчиларни рағбатлантириш ва вақт ажратиш муҳимдир.

Шунга қарамай, CLIL иккала ўқитувчи учун ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Чет тили дарсларида коммуникацияни ўргатиш зарур. Ўқувчиларнинг чет тилдаги нутқини ривожлантиришда фикр ифодалашнинг чет тилдаги яъни, она тилида фикр ифодалаш методи билан қиёсланадиган муқобил метод шакллантирилиши лозим. Бунинг учун ўқувчиларга чет тилда сўз ясаш ва гап тузиш қоидаларини ҳамда фикр ифодалашнинг энг содда методларини мустақил фаҳмлаб ўрганишлари учун оптимал вазиятлар яратиш тавсия этилади. Тилга оид фонетик, лексик, грамматик ва орфографик компетенциялар эгалланишига мўлжалланган машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишига кўмаклашишда Саффорднинг методи қўлланилади .

CLIL методикасининг методлари сифатида маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва назарий билимларни мустаҳкамлаш), давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш), баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли материалларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш

қобилиятини ривожлантириш) каби методлардан унумли фойдаланилади.

### **ИМЕА (АРИЗ) /ИМЕТ (ТРИЗ)**

**АРИЗ** (Алгоритм Решения Изобретательских Задач) — Тадқиқотларни амалга ошириш, ечимлар топишнинг кетма-кетлик алгоритми.

**ТРИЗ** (Теория Решения Изобретательских Задач), — Техник тизимларни такомиллаштириш ва муаммоларнинг ечишнинг методлари йиғиндиси.

Илмий ижодкорлик технологиясини яратиш устида 1946 йилдан эътиборан иш бошланган. Бу янги технология TRIZ (Теория решения изобретательских задач) деб номланган. TRIZ ҳақидаги биринчи маълумот матбуотда 1956 йилда пайдо бўла бошлаган. Г. Альтшуллер (1926 й. Тошкент ш. туғилган) 1958 йили TRIZни ўргатиш бўйича биринчи ўқув семинарини ўтказган. Бу метод ижодга мойиллик инсон ўзини намоён этишининг юқори фаоллиги, янгиликни яратиш қобилияти, инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишида ўзига хос аҳамиятга эга.

IVENнинг асосий ғоялари тадқиқотчилик бўлиб, назария муаммоларнинг ижодий ечимини топиш, билим ижодий иш жараёнида бир восита сифатида кашфиёт сирлари ифодаланади.

IVEN назариясида асосий ўринни ижодий тасаввурларни ривожлантириш (ИТР) масаласи эгаллайди. IVENнинг асосида ривожлантирувчи таълим технологияси ҳисобланган муаммоли изланиш методлар туради. Ихтирочилик вазифаларини ечиш назариясининг ўзига хос тамойилларига қуйидагилар киради:

ўқитишга фаолиятли ёндашув;

назарий хулосаларни шакллантиришга йўналганлик;

ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги икки томонлама мулоқот;

таълим жараёнида муаммоли масалаларни, муаммоли вазиятларни қўллаш.

IVEN – ишлаб чиқаришни, янги техник фикрларни аниқ фанга айлантиради, ихтироли масалаларни ечишга ёрдам беради.

IVEN – таълимда эскиликлардан воз кечишдир. IVEN элементлари фақат техник соҳаларда эмас, балки таълим-тарбия, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳаёт ва табиатдаги ҳар бир предмет, ҳар бир модда, ҳодиса, воқеа, объектда иккиламчилик сири, қарама-қаршилик мавжудлиги ўқувчиларни ҳар бир нарсанинг нимасидир яхши-ю, нимасидир ёмон, бир томондан фойдали, иккинчи томондан зарарли, бир жиҳатдан ҳалал берса,

иккинчи жиҳатдан зарур эканлигига қизиқиш уйғотади ва уни топишга ундайди. Бу билан ўзлаштирилиши қийин бошлаган айрим материалларни IVEN элементлари орқали осонлик билан ўзлаштира олиш имкониятига эга бўладилар.

Таълим амалиётида TRIZ методикаси қўлланилиб, изланиш ва тадқиқотли таълим методлари асосида инсоннинг тафаккур юритиш хусусиятларига таянади. TRIZ ёндашув алгоритм ва моделларни тадқиқотчилик таълимига татбиқ этишга, муаммога йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга қаратилади.

Бунда билим олиш инсонга фикр юритиш, эслаб қолиш ва улардан амалий фойдаланишни енгиллаштиришга қаратилади.

TRIZга асосланган педагогик технологияларнинг мақсади ижодий методларни ўргатишдир.

Қўллашдан мақсад:

- ғояларни қидириш,
- кўплаб ижодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш;
- истиқболли ечимларни танлаш,
- ижодий тафаккурни ривожлантириш,
- ижодий шахсни шакллантириш.

TRIZ методикаси ушбу мақсадларга жавоб топишга ёрдам беради.

TRIZдан фойдаланадиган дарсларда билим ва кўникмаларни шакллантириш амалий ҳаракатларда кўринади.

Ижодкорлик ўзини намоён қилиш, яратиш, янгисини олишга интилиш имкониятини беради, билимга бўлган эҳтиёжни ривожлантиради.

Бу истиқболли технологик, замонавий стандартларга мос келувчи йўналишларни тадқиқ қилиш ва жорий этиш, ўқувчи шахсида тизимли фикрлаш, мулоқотчанлик, ўз-ўзини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини, лойиҳалаш-технологик ва тадқиқотчилик маданиятини шакллантиришга имкон беради. Тадқиқотлар – у ёки бу воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни тасвирлаш ва тушунтириб бериш, уларни ишлаш механизми ва қонуниятларини очишдан иборат.

TRIZ методикаси (ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси) болалар билан турли хил фаолият турларини ўз ичига олади: фронтал, индивидуал, гуруҳлар ўқитувчининг раҳбарлиги остида барча ўқувчиларининг биргаликдаги ҳаракатларини ўз ичига олади.

Креатив фикрлаш – бу инновацион (янги, новатор, оригинал, ностандарт, ноодатий ва ҳоказо...) ва самарали (амалий, натижавий, тежамли, оптимал ва ҳоказо) ечимларни топиш, янги билимларни эгаллаш, тасаввурни таъсирчан ифодалашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида самарали иштирок этиш қобилиятидир.

Креатив фикрлаш бизга муаммоларни ҳал қилишда ноодатий ечим топишга ёрдам беради. Бироқ биз уни танқидий фикрлаш билан адаштириб юбормаслигимиз, аксинча, бизга имконсиз муаммоларни ҳал қилишда бир-бирини тўлдириб туради деб қарашимиз керак.

TRIZ технологиясининг мақсадларини амалга оширишнинг асосий оғзаки методлари: “Визуал ўқитиш”, “Сухбат”, “Диалогик”, “Синов ва хато”, “Brainstopming” (ақлий ҳужум), “Синквейн”, бўлиб, бунда ўқитувчи пухта ўйланган саволлар тизимини белгилаб, ўқувчиларни янги материални тушуниб олишга йўналтиради. Эвристик сухбат давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг билимлари ва амалий тажрибаларига таяниб, уларни янги билимларни тушунишга ва ўзлаштиришга, қоидалар ва хулосаларни шакллантиришга олиб келади.

TRIZ технологиясида “Синов ва хато методи”, “Brainstopming” каби мунозара шакллари алоҳида эътибор қаратилади, чунки бу тушунчалар ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назариясига яқинлаштиради.



## ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Лойиҳалаш технологияси жаҳон педагогикасида мутлоқ янги технология эмас, у XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. У шунингдек, муаммолар технологияси ҳам деб номланган.

Лойиҳа чет тилидан олинган сўз бўлиб, у лотин тилидаги **project us** сўзидан келиб чиққан. Сўзма-сўз таржима қилинганда **"олдинга ташланган"** деган маънони беради.

Шунингдек, шунга яқин маънодаги айрим изоҳларни ҳам келтириш мумкин, масалан, қандайдир иншоот ёки маҳсулотни яратиш учун зарур

бўлган ҳужжатлар тўплами; ёки, ҳужжатнинг дастлабки матни бўлиши мумкин, ва ниҳоят, ғоя ёки режа маъносини англатиши мумкин.

Лойиҳалаш технологияси мустақил когнитив ва амалий фаолиятни ташкил этиш, дунёқарашини кенгайтириш, натижаларга эришиш фаолиятини моҳирона лойиҳалаш ишларини бажариш қобилияти ва когнитив қизиқишни шакллантириш, ўз фикрини баён этиш ва ҳимоя қилиш қобилияти, мустақил таълим олиш ҳамда илмий изланиш ва тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирилган ижодий потенциални ривожлантириш имконини беради.

Ўқувчилар муаммоларни муваффақиятли ҳал этишлари учун ўқитувчи уларга тегишли кўрсатмалар бериши, фойдаланиладиган манбаларни тавсия этиши, ўқитишдан кўзланган натижага эришиш йўллари кўрсатиши лозим.

Лойиҳалаш технологиясининг асосий ғояси амалий ёки назарий аҳамиятга молик бўлган муаммони ҳал этиш лойиҳалаш лозим бўлса, унинг аниқ ечими, агар амалий муаммо бўлса, амалиётга қўллаш масаласи бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Ўқувчилар ушбу натижага эришиш учун мустақил фикр юритиш кўникмаларини эгаллаган бўлишлари, муаммони англаш ва уни ҳал этиш йўллари излашлари бу борада аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланишлари, фаннинг турли соҳаларида изланишлар олиб боришлари, олинажак натижаларни башорат қилиш, турли ечимдаги вариантлар ишлаб чиқиш, сабаб-оқибат боғланишларини тасаввур қилишлари зарур.

Лойиҳалаш технологиясининг асосий моҳияти маълум бир муаммони вазиятни вужудга келтириш орқали ўқувчиларнинг қизиқишларини орттириш, лойиҳалаш фаолиятини шакллантириш, уларнинг тегишли билимларни эгаллашлари, фанлараро боғланишларни амалга ошириш саналади.

**Лойиҳалаш технологиясининг асосий тезиси:** *“Ўрганилаётган билим, кўникмалар менга нима учун зарурлиги ва ундан қаерда ва қай тарзда*

фойдаланишни биламан” саналади. Бу тезис ўқувчиларнинг фан асосларини онгли ўзлаштиришлари, ҳаётга мослашишлари ва мўлжални тўғри олишларига ёрдам беради.

Географияни ўқитишда ўқитувчи лойиҳалаш технологиясидан ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда нафақат дарсда ўқув муаммоларини ҳал этишда, балки дарсдан ва синфдан ташқари ишларда ижодий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиши зарур.

Лойиҳалаш технологиясида фойдаланиш ўқувчиларга индивидуал ва дифференциал ёндашиш имконини беради.

Ҳар бир лойиҳа ўзига хос хусусиятга эга бўлади, шу сабабли улар маълум белгиларига кўра таснифланади:

#### **Лойиҳада кўзда тутилган фаолиятнинг устунлигига кўра:**

*Тадқиқот характеридаги лойиҳалар.*

*Ижодий характеридаги лойиҳалар.*

*Ролли лойиҳалар.*

*Амалий характеридаги лойиҳалар.*

*Изланиш ва мўлжал олишга мўлжалланган лойиҳалар.*

#### **Лойиҳаларнинг предмети ва мазмунига кўра:**

*Бир фан соҳасини қамраб олган лойиҳалар*

*Фанлараро изланишни талаб этадиган лойиҳалар*

#### **Лойиҳалар характерида кўра:**

*Аниқ натижа олишга мўлжалланган лойиҳалар*

*Кўп йўналишли натижа олишга мўлжалланган лойиҳалар*

#### **Лойиҳада иштирок этадиган қанашчилар сонига кўра:**

*Якка тартибдаги лойиҳалар*

*Икки ўқувчига мўлжалланган лойиҳалар*

*Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган лойиҳалар*



### **Лойиҳа кўламига кўра:**

*Бир синф ўқувчиларига мўлжалланган лойиҳалар*

*Мактаб ўқувчиларига мўлжалланган лойиҳалар*

*Шаҳар миқёсида ҳал этилиши мўлжалланган лойиҳалар*

*Мамлакат миқёсида ҳал этилиши мўлжалланган лойиҳалар*

*Дунё миқёсида ҳал этилиши мўлжалланган лойиҳалар*

### **Лойиҳа муддатига кўра:**

*Қисқа муддатли*

*Узоқ муддатлиларга ажратилади.*

### **Тадқиқот характеридаги лойиҳалар.**

Ушбу лойиҳаларнинг тузилиши жуда яхши ишланган, жумладан, лойиҳада иштирок этадиган қатнашчилар учун тадқиқот предмети, долзарблиги, ижтимоий аҳамияти, фойдаланиладиган методлар, тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш, натижаларни расмийлаштириш методлари аниқ бўлиши керак.

Мазкур лойиҳа мантиқан тўлиғича илмий-тадқиқот муаммоларига яқинлашган ва унинг ечимига мос ва бўйсинган бўлиши керак. Лойиҳанинг ушбу тури тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқот муаммосининг предмети ва объекти, вазифаларнинг изчил ва босқичма-босқич аниқланиши, муаммоларни ҳал этиш бўйича фаразларни илгари суриш, уни ҳал этишнинг тадқиқот ўтказиш ва тажрибалар қилиш йўлларини ишлаб чиқиш, олинган натижа ва хулосаларни муҳокама қилиш, расмийлаштириш, тадқиқотни давом эттириш учун янги муаммоларни белгиланиши лозим.

*География ўқитувчиси бу тоифадаги лойиҳалардан дарсда ва синфдан ташқари машғулотларнинг айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган машғулотларда фойдаланиши мумкин.*

### ***Ижодий лойиҳалар.***

Мазкур лойиҳани ҳал этишда қатнашчилардан ижодий ёндашиш талаб этилади. Ижодий лойиҳаларнинг тадқиқот характеридаги лойиҳалардан асосий фарқи, уларнинг мантиқий структураси аввалдан белгиланмайди, балки лойиҳанинг ечими давомида шакллантирилади. Ижодий лойиҳада қатнашчиларнинг қизиқиши, мотиви, эҳтиёжига кўра лойиҳанинг йўналиши, олинажак натижа белгиланади. Лекин лойиҳада кўзда тутилган натижани расмийлаштириш ва жиҳозлашда қатъий талаб қўйилади.

География ўқитувчиси ушбу лойиҳалар туридан дарсларда фойдаланиши мумкин.

### ***Ролли ўйин лойиҳалари.***

Ушбу лойиҳаларда структура аниқланмайди ва иш тугагунга қадар очиқ бўлади. Лойиҳа қатнашчилари муайян ролларни бажарадилар. Ролларга мувофиқ ҳолда уларнинг вазифалари аниқланади. Ўйин сюжетида мувофиқ улар ролларни бажариши, тегишли ҳолларда “мансабдор шахс” сифатида мулоқотга киришиши, бунда мавжуд қобилият ва истеъдодлари, ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини сафарбар этишлари лозим. Лойиҳани ҳал этиш жараёнида кўзланган натижага эришишлари учун жуда кўп меҳнат қилишлари, изланишлари, мустақил ва ижодий фикр юритишлари, мустақиллик ва онглилик талаб этилади. Бу ерда ижодий изланиш мавжуд, лекин ўқувчилар маълум ролларни бажариш орқали лойиҳа ҳал этилганлиги сабабли ролли ўйин лойиҳалар саналади.

### ***Изланиш характеридаги лойиҳалар.***

Лойиҳаларнинг бу типи муайян бир мавзу бўйича ахборот ва материал тўплаш, тўпланган ахборот ва материаллар билан лойиҳа қатнашчиларини таништириш, уларни таҳлил қилиш, фактларни умумлаштириш, олинган натижаларни расмийлаштиришни ўз ичига олади. Мазкур лойиҳалар тадқиқот

характеридаги лойиҳалар билан уйғунлашиб кетади ва унинг бир қисмига айланиши мумкин.

Изланиш характеридаги лойиҳаларнинг структураси қуйидагича бўлиши мумкин:

*керакли бўлган ахборотни излаш манбалари;*

*изланиш босқичлари;*

*тўпланган ахборотлар, материаллар, фактлар устида таҳлил ўтказиш;*

*хулосалар ясаш;*

*изланиш йўналишига ўзгартиришлар киритиш;*

*янги фактларни тўплаш;*

*умумлаштириш ва хулоса ясаш;*

*олинган натижаларни расмийлаштириш.*

Бу тоифадаги лойиҳалардан синфдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин. Жумладан, **“Ўзбекистон Қизил китоби”га кирган ўсимликлар ва ҳайвонлар, “Ўзбекистоннинг доривор ўсимликлари”** каби мавзулардаги лойиҳаларни киритиш мумкин.

### **Амалий характердаги лойиҳалар.**

Бу тоифадаги лойиҳалар қатнашчилар фаолиятдан кутилган натижаларнинг аниқ белгиланиши билан характерланади. Мазкур натижа амалий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бундай лойиҳалар жуда яхши структурага эга бўлиши керак. Лойиҳа сценарийси, қатнашчиларнинг вазифалари, натижага эришиш босқичлари, фойдаланиладиган методлар, олинган натижаларни расмийлаштириш шакллари аниқ белгиланиши керак. Бу лойиҳани амалга оширишда қатнашчиларнинг ҳар бирининг улуши, якка тартибда ва кичик гуруҳда олиб бориладиган ишлар натижалари, тақдимот, олинган натижаларни амалиётга қўллаш йўллари кўрсатилади.

I. Лойиҳаларнинг предмети ва мазмунига кўра, бир фан соҳасини қамраб олган лойиҳалар, фанлараро изланишни талаб этадиган лойиҳаларга ажратилади. Бу лойиҳаларни шакллантиришда ўқитувчи география соҳасидаги муаммоли, қийин мавзуларни олиши мумкин. Мазкур лойиҳалар географияни ўқитишда *табиий фанлар, адабиёт, маънавият, маданият, санъат ва гуманитар фанлар* билан фанлараро боғланишни амалга оширишга имкон беради.

**Географияни ўқитишда ўқитувчи лойиҳалаш технологиясидан фойдаланиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:**

*лойиҳалар тоифаси, мавзуси ва қатнашиллар сонини аниқлаш;*

*лойиҳани амалга ошириш учун турли вариантлардаги муаммолар занжирини тузиш;*

*лойиҳа предмети, вазифаси ва босқичларини аниқлаш;*

*лойиҳа қатнашчилари учун топшириқлар тузиш ва уни аъзолар ўртасида тақсимлаш;*

*илмий-изланиш, тадқиқот мавзулари бўйича ўқувчиларнинг якка тартибдаги, жуфтликда ёки кичик гуруҳларда мустақил изланишларини ташкил этиш;*

*лойиҳадан кутилган натижаларни аниқлаш, уни расмийлаштириш ва тақдимотини белгилаш;*

*лойиҳа ишини яқунлаш, баҳолаш мезони ва хулосалар ясаш йўлларини аниқлаш.*

**Лойиҳалаш технологияси** – ривожлантирувчи таълимга асос бўлади. Ўқувчиларда ақлий фаолият кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга замин тайёрлайди.

Лойиҳалаш технологияси ўқувчиларда ижодий фаолиятнинг шаклланишига асос бўлади. Маълумки, ижодий фаолият таълим мазмунининг

таркибий қисми саналиб, уни ўқитувчининг тайёр ахбороти орқали шакллантириб бўлмайди.

Ўқувчилар лойиҳалар ечими устида ишлар экан, улар аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллаб, янги билимларни ўзлаштирадилар, шу тариқа ижодий фаолият таркиб топади.

Бунинг учун: ўқувчиларга тайёр билимлар берилмасдан, балки уларни билимларни мустақил ўзлаштириш усулларини эгаллаш, амалий ва билишга оид муаммоларни аввал ўзлаштирган билим, кўникмаларини қўллаб ҳал этишга ўргатиш зарур;

мулоқотга киришиш кўникма ва малакаларини эгаллашнинг аҳамияти, турли ижтимоий ролларни бажаришда ва кичик гуруҳларда ишлаш кўникмасига эга бўлиш зарурлигини тушунтириш;

битта муаммони ҳал этиш учун ҳар хил нуқтаи назарни баён этиш, бошқа табиий фанлар ҳамда маънавият ва маданият каби жабҳаларда изланишлар олиб бориш зарурлигини тушунтириш;

ўқувчиларнинг тадқиқот методларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлишнинг аҳамияти, зарур ахборотлар, фактлар, материаллар тўплаш, уларни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш, фаразларни илгари суриш, хулоса ва яқун ясаш.

*Агар ўқувчилар юқорида қайд этилган кўникма ва малакаларни эгаллаган бўлса, у доимо ўзгариб турадиган ҳаётга тезроқ мослашишга, турли муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб улардан чиқишнинг муқобил вариантини топиш, турли вазиятларда мўлжални тўғри олиш ва ҳар хил жамоаларда ишлаб кетиш имкониятига эга бўлади.*

Лойиҳалаш технологиясида “Кичик тадқиқот”, “Менинг ғоям”, “Ижодий лойиҳалаш”, “Moursund”, “Импульс – плакат методи”, “Учинчиси ортиқча”, “Brenrayting”, “Коррекция”, “Лойиҳавий топшириқлар” методлари кенг

қўлланилади.

3.1. "Moursund" методи. Лойиҳа технологиясига асосланган "Moursund" методининг тартиби 4 босқичдан иборат:

1. Бошланиши:

- умумий дарс мавзусини аниқлаш;
- вақт, босқичлар ва баҳолаш усулларини аниқлаш;
- ресурсларни аниқлаш;
- жамоаларни шакллантириш;

2. Лойиҳани режалаштириш (жамоа фаолияти):

- жамоа аъзолари томонидан билимларни тўплаш;
- лойиҳанинг бошланғич мақсад ва саволларни шакллантириш;
- режалаштириш(бу тадқиқот дизайнига олиб келиши керак) ;
- ўқитувчи билан алоқа;
- лойиҳанинг режасини қайта кўриб чиқиш.

3. Лойиҳани амалга ошириш:

бир вақтнинг ўзида битта вазифани бажаришлари керак. Лойиҳа таърифини аниқлаш ишларида жамоа аъзолари ўртасида баҳам кўриш (ҳамкорликка ишонч ҳосил қилиш, қарор қабул қилиш);

- муҳокамани (ўзаро глобал алоқалар) ўз ичига олади.

4. Якуний босқич:

якуний маҳсулотни сайқаллашлари ва тегишли тақдимотларни тайёрлашлари керак;

баҳолашда натижалар тақдимотида бутун синф иштирок этиши керак.

3.2. "Brengraying" методи. Бу методнинг қўлланишида барча ғоя, фикрлар ёзма баён этилади. Бу эса ўз фикр ва ғояларини оғзаки баён этишга қийналадиган баъзи ўқувчилар учун қулайлик яратади. Ўқувчилар томонидан

ёзилган фикр ва ғояларнинг имловий ва услубий хатоларига эътибор қаратилмайди ҳамда ёзилган фикрлар ораларида кейинчалик хаёлга келган фикрларни ёзиш учун бўш жойлар ҳам қолдирилади. Ўқувчилар ўз фикрларини эркин, мустақил ифода этиш топширилади. Ғоялар таҳлили кейинроқ ўтказилади. Бу методдан фойдаланилганда муаммонинг ечиш вариантлари имкон қадар ортади.

3.3. “Лойиҳа” технологияси. Бу методда ўқувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида бирорта мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда ўқувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳани ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳ билан бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа гуруҳ биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бундай топшириқлар мустақил режа тузишни амалга оширишда яхши самара беради. Лойиҳавий топшириқларни бажариш учун ўқитувчидан кўрсатиш, тушунтириш, изоҳлаш талаб этилса, ўқувчиларга асослар, фактлар материаллар тўплаш, ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилади.



### **ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари педагогик жараёни такомиллаштириш ва уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланган. Бу технология географияни ўқитишда таълим сифати ва самрадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси турли мамлакатлардаги жумладан, Америкадаги Ж.Хопкинс университети профессори Р.Славин (1990), Миннэсот университети профессорлари Р.Жонсон, Д.Жонсон (1987),

Калифорния университети профессори Ж.Аронсон (1978), Исроилдаги Тел-Авив университети профессори Ш.Шаран (1988) томонидан ишлаб чиқилган.

Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитиш асосан ўқувчиларда ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, Исроил ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда ўқитиш юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, кўпроқ ўқувчилар томонидан ўқув материални қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралар ўтказишни назарда тутди.

Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси Буюк Британия, Канада, Ғарбий Германия, Австралия, Нидерландия, Япония, Исроил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошлаган.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси ўқув топшириқларни нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқишни ўрганишдир.

Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир ўқувчини ўрганиш жараёнини бойитади, кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатади, шахсий билим ва дунёқарашини кенгайтиради, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчида шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтиради, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни ҳамда ахборотларни икки томонлама алмашиш самарадорлигини оширади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир ўқувчининг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини



сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришига, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни:

Қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўрганиш мумкинлигини аниқлаши ва мазкур дарсларни тақвим-режада белгилаши;

Ушбу мавзу бўйича ўқувчиларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни тайёрлаши;

Ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўтиладиган дарс тури, дарс структураси ва боришини лойиҳалаши;

Ўтган ва янги мавзулар юзасидан ўқувчилар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак.

Мазкур методлардан фойдаланганда шуни назарда тутиш керакки, ўқувчилар ўз шериклари билан ҳамкорликда ўқув топшириқларини тўғри бажаришлари баробарида гуруҳ аъзоларининг фаоллиги, ҳамкорликнинг вужудга келиши, улар ўртасидаги мулоқотда мулоқот маданияти тамойилларига амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, гуруҳ аъзолари бир вақтнинг ўзида иккита топшириқни бажаради:

1. Академик топшириқ - билиш ва ижодий изланиш орқали ўқув топшириқларидан кўзланган мақсадга эришиш.

2. Ижтимоий-психологик топшириқ - дарс давомида юксак мулоқот маданиятига эга бўлиш, одоб осойишталигини сақлаш.

Ўқитувчи дарс жараёнида ҳар иккала топшириқнинг юқори савияда бажарилишини назорат қилади.

Ўқитувчи география таълими жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиши учун ушбу технологиянинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларни, ўқувчиларнинг мустақил ишлари, ўқув баҳси ва мунозараларни самарали ташкил этиш йўлларини эгаллаган, ўқувчиларда эса дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз фикрини қисқа ва аниқ баён этиш, фикрларни асослаш ва далиллаш, мантиқий фикр юритиш, ўқув баҳси ва мунозараларда фаол қатнашиш кўникмалари шаклланган ва онгли интизом вужудга келган бўлиши лозим.

**Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг бир нечта методлари мавжуд:**

Гуруҳларда ўқитишда ўқувчилар тенг сонли иккита гуруҳларга ажратилади. Ҳар иккала гуруҳлар бир хил топшириқни бажаради. Гуруҳ аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўқувчи мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, ўқувчиларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш бўйича кўрсатма берилиши етарли эмас. Ўқувчилар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир ўқувчининг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир ўқувчининг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина ўқувчилар ўзининг дарс давомида эришган натижаси гуруҳга фойда келтиришини англаган ҳолда маъсулиятни ҳис қилиб,

кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш (Р.Славин 1986 й). Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4 та ўқувчидан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзунини тушунтиради, сўнгра ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Ўқувчиларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир ўқувчи топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест топшириқлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ҳамкорликда ўқитишнинг “зиг-заг” ёки “арра” методи. (Е.Аронсон 1978).

Педагогик амалиётда бу метод қисқача “арра” методи деб номланади. Мазкур методда кичик гуруҳлар 6-8 та ўқувчидан ташкил топади. Дарс давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул)ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлар тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассис”га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт, мазкур “мутахассис”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу дарсда ўқувчилар икки марта гуруҳларга ажратилади.

Биринчи гуруҳ “мутахассислар” тайёрлаш гуруҳи.

Мазкур мавзу бўйича ўқув материали мантиқий тугалланган фикрли тўртта қисмдан иборат бўлганлиги сабабли, дарсда қатнашаётган 32 та ўқувчи дарс бошланишидан олдин 4 хил рангдаги карточкалар ёрдамида тенг сонли тўртта 8та ўқувчидан иборат “мутахассислар” гуруҳига ажратилади. Улар ўзларига тегишли ўқув топшириқларни бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассислар”га айланади.

Иккинчи гуруҳ “мутахассислар” учрашуви гуруҳи. Рангли карточкаларнинг ҳар бирининг орқа томонида 1 дан 8 гача рақамлар ёзилган бўлиб, барча рангли карточкалардаги рақамлар йиғиндиси синфдаги ўқувчилар сонига тенг бўлиши лозим.

“Мутахассислар” учрашуви карточкаларнинг орқа томонидаги рақамлар асосида 8 та гуруҳ ташкил этилиб, бу гуруҳлар таркибига бир хил рақамли 4 хил рангдаги карточкаларга эга бўлган 4 та ўқувчи киради. Шунини қайд этиш керакки, бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт.

Мазкур учрашувда “мутахассислар”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қилади. Ушбу гуруҳларда ўқув материалнинг 4 та қисми мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади. Сўнгра ўқув материали юзасидан тузилган топшириқлар яхлит ҳолатга келтирилиб, гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, мунозара ўтказилади.

Ўқувчилар билимларни пухта эгаллашнинг ягона йўли ўз ҳамкорининг ахборотини диққат билан тинглаш эканлигини англаган ҳолда, мушоҳада юритишга, керакли маълумотларни дафтарга ёзишга ҳаракат қилади. Бу ерда ўқитувчи фақат ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этадиган ташкилотчи вазифасини бажаради. Дарс охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим

даражасини тест топшириқлари ёрдамида аниқлайди. Ҳар бир ўқувчининг билими сифатидаги ўсиш ҳисобга олинади.

1986 йили Р.Славин “арра” методини қисман ўзгартириб “арра-2” методини яратди. Мазкур методга кўра кичик гуруҳ 4-5 ўқувчидан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида ўқувчилар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли қисмини пухта ўзлаштириб “мутахассис”га айланади. Дарс охирида ҳар бир кичик гуруҳлардаги “мутахассис”лар учрашуви қайта ташкил этилган гуруҳларда ўтказилади. Ўқувчилар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва баҳоланади. Гуруҳ аъзоларининг баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг “Биргаликда ўқиймиз” методи 1987 йили Миннесота университети профессорлари Д.Жонсон, Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Синф ўқувчилари 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ дарсда бажарилиши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқларни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари - командани тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш саналади.

**Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.** Бу метод 1976 йили Тел-Авив университети профессори Ш.Шаран томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади.

Ўқувчилар алоҳида индивидуал ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил

этилганда дарсда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир ўқувчига тақсимланади.

Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи умумий топшириқнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади.

Гуруҳ аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва синф ўқувчилари ўртасида ўз ижодий изланиш натижасини эълон қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтказилган ўқув баҳси, мунозара ўқувчилар жамоасининг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятнинг натижаси, якуни саналади. Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар синф жамоасидаги ҳар бир ўқувчининг, мунтазам ва фаол ақлий меҳнат қилишига, кичик гуруҳларнинг, умуман синф жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги ва кутилмаган вазиятларда қўллаб, янги билимларни ўзлаштирилишига замин тайёрлайди.

Юқорида қайд этилган барча методларнинг ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифаларининг умумийлиги, ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги ва мулоқотдаги шахсий маъсулиятини тақозо этиши, шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг мавжудлигидир.

Ҳамкорликда ўқитиш негизида мусобақа эмас, балки ҳамкорликда ақлий меҳнат қилиб, таҳсил олиш жараёни ётади.


**“Суҳбат дарси” методи.** Бу метод юқори синфларда мактаб кутубхонасида амалга ошириш мумкин. “Суҳбат дарси”ни ўқувчилар нутқий кўникмаларини ривожлантиришда ўқувчилар қўлига ўзбек тилида ёзилган матн берилади. Ўқувчилар ўзларига берилган матнни ўқиб кутубхонадаги ўша асарни топишга, асарда берилган матнни ўқиб гапириб беришга киришадилар. Матнни тушунмаган ўқувчилар луғатлардан фойдаланиши мумкин.

**“Заковатли зукко”** методида мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчиларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгалликлари муҳим аҳамиятга эга. Бу метод ўқувчиларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Метод ўз хоҳишларига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчилар учун қулай имкониятни яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади.



### **“Кичик гуруҳларда ва жуфтликда ишлаш” методи.**

Бу гуруҳда 4-7 киши ёки жуфт гуруҳ ишлари ташкил қилинади. Гуруҳ иши ҳам ҳар бир ўқувчининг мустақил ишларини амалга оширади. Энг самарали, гуруҳлар учун топшириқлар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин.



### **“Ўзвийлик узлуксизлик” методи**

Ўқитувчи “ўзвийлик узлуксизлик” методи ўқувчилар ёш хусусиятига қараб янги мавзунини тушунтиришда қўллаш тавсия этилади.



## **ЭВРИСТИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий ғояси ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш саналади. Мазкур технологиянинг асосий хусусиятлари:

- ўқувчиларни ўз билиш фаолиятининг субъектига айлантириб, фикр юритиш механизмини шакллантиради, ривожлантиради.

- ўқувчиларнинг билиш фаолияти эмпирик ва назарий билиш яхлитлигида ташкил этилиб, ўқитиш жараёнида билимларни дедуктив усулда ўрганиш устувор бўлади.

- ўқитиш жараёнининг асосини ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини бажариш орқали вужудга келтириладиган мустақил фаолият ташкил этади.

- ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига замин тайёрлаб, бу жараёнда танқидий ва ижодий фикр юритишни шакллантириш устувор йўналиш саналади. Фикр юритишнинг бу икки типи бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади.

Танқидий фикр юритиш шахснинг воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги муносабати ва фикрини вужудга келтириб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

Таҳлилий фикр юритиш (ахборотни таҳлил қилиш, зарур фактларни танлаш, таққослаш, фактлар ва ҳодисаларни солиштириш).

Ўқувчиларда таҳлилий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш учун география ўқитувчиси ҳар бир дарсда аввал ўрганилган объектлар билан ўрганилган объект ўртасидаги боғланишларни аниқлайдиган топшириқларни бериши керак.

Жумладан, **“Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси”** мавзусини ўрганганда ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, уларга ўқув топшириқлари билан бир қаторда қуйидаги жадвални тўлдириш тавсия этилади:

Т. р	Баландлик минтақалари	Чўл	Адир	Тоғ	Яйлов
1.	Денгиз сатҳидан баландлиги				



2.	Иқлим кўрсаткичлари				
3.	Тупроқлари				
4.	Ўсимлик дунёси				
5.	Ҳайвонлари				

Ўқувчилар дарсликда берилган ўқув ахборотини таҳлил қилади, минтақалар ҳақидаги фактларни танлайди, уларни бир- бири билан таққослаб, хулоса чиқаради. Ўқув материалларининг бу тарзда ўрганилиши *ўқувчиларда таҳлилий фикр юритиш кўникмаларининг* таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Боғланишли (ассоциатив) фикр юритиш (аввал ўрганилган билимлар, фактлар орасидаги боғланишларни аниқлаш, таниш объект ва ҳодисаларнинг янги хусусиятлари ва сифатларини топиш).

Боғланишли фикр юритиш ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини кутилмаган, ноодатий вазиятларда қўллаб янги билим ва кўнималарни ўзлаштиришларига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи **“Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси”** мавзусини ўрганишда ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини фаоллаштириш мақсадида уларга ўқув топшириқлари билан бирга қуйидаги жадвални тўлдиришни тавсия этади.

### **I – топшириқ**

1. Баландлик минтақаларининг қуйидаги кўрсаткичларини таққосланг. Уларнинг ўхшашлик ва фарқларни аниқланг.

Т. р	Таққосланадиган жиҳатлар	Чўл	Адир	Тоғ	Яйлов
1.	Денгиз сатҳидан баландлиги				
2.	Ҳаво ҳарорати				

3.	Ёғин миқдори				
4.	Тупроқдаги чиринди миқдори				

2. Бир минтақа доирасида таққосланадиган жиҳатлар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқланг.

## II – топшириқ

1. Бўз тупроқларни ўзаро таққосланг. Улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқланг.

Т.р	Таққосланадиган жиҳатлар	Оч тусли бўз тупроқ	Оддий бўз тупроқ	Тўқ тусли бўз тупроқ
1.	Қайси минтақага хос			
2.	Денгиз сатҳидан қандай баландликда учрайди			
3.	Тупроқдаги чиринди миқдори			

2. Нима сабабдан тупроқдаги чиринди миқдори бир хил эмаслигини аниқланг.

Ўқувчилар ушбу топшириқларни бажариб бўлганларидан сўнг, ўқитувчи баландлик минтақаларининг ҳосил бўлиши, сабаби ва қонуниятлари ҳақида маълумот беради ва ўқувчиларга ўзлари яшаётган жойга олинган билимларни татбиқ этишни ташкил этади. Ўқувчилар ўзлари тўлдирган жадвалдан фойдаланиб баландлик минтақаларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлайди.

Шу тарзда ўқувчиларда боғланишли фикр юритиш кўникмалари шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Мустақил фикр юритиш (муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, фаразларни илгари суриш, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаб, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ўз фикрини далиллаш).

Мустақил фикр юритиш шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли географияни ўқитишнинг барча шаклларида, ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга аҳамият бериш зарур.

Мустақил фикр юритиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш;
- фаразларни илгари суриш;
- аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаб, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш;
- ўз фикрини билдириш;
- жавобнинг тўғрилигини текшириб кўриш.

Ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ривожлантириш учун ўқитувчи ҳар бир мавзунини ўрганишда муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини муаммоли вазиятларни ҳал қилишга йўллаши лозим.

Масалан, **“Ер юзи рельефининг асосий шакллари”** мавзусини ўрганишда муаммоли вазият вужудга келтирилиб, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини янги кутилмаган вазиятларда қўллашига имкон яратиши лозим. Жумладан, ўқувчиларга қуйидаги ўқув топшириқларини бажариш тавсия этилади.


#### **Топшириқнинг дидактик мақсади:**

Рельеф ҳосил бўлиш механизмнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

<b>Т. р</b>	<b>Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан топшириқлари</b>	<b>Топшириқни бажариш бўйича кўрсатмалар</b>
	<i>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</i>	<i>Гуруҳ билан ҳамкорликда ишланг.</i>
1.	Ички кучларга нималар киради	
2.	Ички кучлар қандай рельеф шаклларини юзага келтиради	
3.	Ташқи кучларга нималар киради	

4.	Ташқи кучлар қандай рельеф шаклларини юзага келтиради	
5.	Ички кучлар = Ташқи кучлар ҳолатида рельеф қандай ўзгаради	
6.	Ички кучлар < Ташқи кучлар ҳолатида рельеф қандай ўзгаради	Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.
7.	Ички кучлар > Ташқи кучлар ҳолатида рельеф қандай ўзгаради	

**2 – топшириқ.** Рельефнинг шаклланиш жараёни босқичларининг кетма-кетлик занжирини тузинг.



1. Ер юзасида ички кучлар мутлоқ устун, вулқонлар фаол, ер пўсти жуда иссиқ.
2. Ер юзасида ички ва ташқи кучлар мувозанатлашади, тоғ ҳосил бўлиш жараёни секинлашади.
3. Ер юзасида ички кучлар устун бўлади, кучли тоғ бурмаланиш жараёнлари юз беради.
4. Ер юзасида ички кучлар устунроқ бўлади, тоғ бурмаланиш жараёнлари давом этади.
5. Ер юзасида ички кучлар устунлиги камаяди, ташқи кучлар фаоллашади.
6. Ер юзасида ташқи кучлар устун бўлади, текисликлар ҳосил бўлади.

**2 – топшириқнинг жавоби: 1; 3; 4; 5; 2; 6**

Мантиқий фикр юритиш (муаммони ҳал этишнинг ички ва ташқи мантиқини ҳисобга олган ҳолда мантиқан далиллаш, усулларнинг мантиқан кетма-кетлигини аниқлаш).

Мантиқий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- муаммоли вазиятни англаш.

- муаммони ҳал этиш йўллари аниқлаш.
- муаммони ҳал этишнинг ички ва ташқи мантиқини ҳисобга олган ҳолда

мантиқан далиллаш.

1. Муаммони ҳал этиш усуллари мантиқан кетма-кетлигини аниқлаш.
2. Ўз жавобларининг тўғрилигини исботлаш.
3. Жавобнинг тўғрилигини текшириб кўриш.
4. Тизимли фикр юритиш (ўрганилган объектни қисмларга ажратиш,

унинг яхлитлигини, ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва тавсифлаш кўникмаси).

Тизимли фикр юритиш ўқувчиларнинг ўрганилаётган объектни қисмларга ажратиш, унинг яхлитлигини, ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва тавсифлаш кўникмаларини ривожлантиришга асосланади.

Ўқитувчи ўқувчиларда тизимли фикр юритишни ривожлантириш учун муайян мавзуларда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиши ва тегишли ўқув топшириқларини тузиши лозим.

Жумладан, “Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг тузилиши ” мавзусида ўқувчиларга қуйидаги ўқув топшириқларини тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

**Топшириқнинг дидактик мақсади:** миллий иқтисодиётининг тузилиши ва функцияларини ўрганиш орқали, миллий иқтисодиётнинг яхлит тизим эканлиги, тармоқларнинг тузилиши ва функцияси, улар ўртасидаги боғланишларни аниқлаш.

Миллий иқтисодиётнинг йирик тармоқлари	Тузилиши	Функцияси

Шундай қилиб, танқидий фикр юритиш таҳлилий, боғланишли, мустақил, мантиқий, тизимли фикр юритишни мужассамлаштириб улар ўртасида ички ва ташқи, муайян ва нисбий боғланишлар мавжуд.

Ўқувчиларда, ижодий фикр юритиш кўникмаларни ривожлантиришда ўқитувчи юқорида қайд этилган таҳлилий фикр юритишнинг таркибий қисмларидан, хусусан, мустақил фикр юритиш кўникмаларидан фойдаланиши мумкин. Шунини қайд этиш керакки, ўқувчиларда номлари зикр этилган фикр юритиш кўникмаларини ривожлантирмай туриб ижодий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мумкин эмас.

Ижодий фикр юритиш кўникмалари ижодий фаолият тажрибаларининг асосини ташкил этади. Ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашда ўқувчилар ақлий фаолият усуллари бўлган ўрганилаётган объектни таҳлил қилиш, таққослаш, таркибий қисмларга ажратиш, синтезлаш, сабаб-оқибат боғланишларини тасаввур қилиш, умумлаштириш ва хулоса ясашни эгаллаган бўлишлари лозим. Ўқувчилар ижодий фаолиятнинг асосини ташкил этадиган хусусиятлар:

- таниш объектларнинг янги хусусиятлари ва вазифаларини топиши;
- таниш вазиятлардаги муаммоларни мустақил равишда ҳал этиш;
- билим ва кўникмаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали муаммони ҳал этиш;
- ўзлаштирган билим ва кўникмаларни амалиётда ижодий қўллашга ўрганиши мумкин.

Ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришнинг муҳим шарти, ўқувчиларнинг ўз фикрларини далиллаш ва асослаш саналади. Шу сабабли, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмалари асосан, ўқув мунозаралари ва баҳслар орқали ривожлантирилади.

**“Ротатсия” методи.** Бу методни кўпроқ юқори синфларда қўллаш тавсия этилади. Бу методдан (лотинча. “Rotatio” сўзидан “айланма ҳаракат”) афзал

билган нарсасини танлаш, ифодалиликини излаш, ўзаро бир-бирларининг бажарган ишларини текшириб кўриш мақсадида қўлланилади.

**“Эвристик таълим” методи.** Бу методда ўқувчилар олдида муаммо қўйилади ва улардан муаммонинг ечимини электрон кутубхона, лаборатория ва устахона, турли хил китоблар, манбалар орқали топишлари сўралади. Ўқитувчининг роли ўқув жараёнини бошқаришдир ва ўқувчилар бутун жараён давомида мустақил бажаришади. Ижодий фикрлаш ва хаёлий кучдан фойдаланиб, улар қандайдир мантиққа асосланган тегишли ечимларни топишга ҳаракат қилишади. Улар ўз тажрибаси билан ўртоқлашадилар. Ушбу ўқув стратегиясида қуйидагилар белгиланган:

1. Муаммони ечишга муносабатни ривожлантириш.
2. Муаммога илмий муносабатни ривожлантириш.
3. Ўз-ўзини ифода этиш қобилиятини ривожлантириш.

Унинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Бир вақтнинг ўзида ҳар бирига имкон қадар вақт ажратиш.
2. Ўқувчини иложи борида ўзини ўзи ўрганишга ундаш.
3. Муаммонинг энг мос ечимини танлаш бўйича кўрсатма бериш.
4. Муаммо дарс ва ўқув режаси билан боғлиқ бўлиш.
5. Илмий-тадқиқот ишларини якунлаш учун маълум вақт ажратиш.
6. Муаммоларни ажратишда ўқувчиларнинг қобилиятлари, қизиқиш ва мавзуни танлашни ҳисобга олиш керак.

Асосан, аниқ ва ижтимоий фанларнинг ўқитувчилари ушбу ўқитиш методини ўзларининг дарсларида қўллашса, бу ўқувчиларда ижодий ва ўзига ишончни ривожлантиришга ёрдам беради.

**“Эвристик таълим” методи афзалликлари:**

1. Когнитив, таъсирчан ва психомотор мақсадларга эришишга ёрдам беради, яъни боланинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

2. Ўқувчилар вазиятни мустақил ўрганиши. Бу, албатта, ўқувчиларда ўзига бўлган ишончни ривожлантиради.

3. Ўқувчиларда илмий муносабат ва ижодкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

4. Ўқитувчи ўқувчиларни муаммоларни ечишда атроф-муҳитни ўрганишга ундайди. Шундай қилиб, улар томонидан баъзи янги билимлар кашф этилади.

5. Ўқитувчи ҳар доим муаммони ҳал қилиш бўйича индивидуал кўрсатмалар беришга тайёр. Бу метод, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир кооператив, қулай муҳитда амалга оширилади.

**“Эврика” методи.** Математика бошланғич синфларда мантиқий мисоллар устида ишлаш тавсия этилади. “Эврика” методида қуйидагича фойдаланилади. Масала дафтарларига чизиб бажариш тушунтирилади.

**“Интервью” методи** юқори синфларда қўлланилади. Бир-бирларини яхши танимайдиган жуфтликлар тузилиб, уларга танишиб олишлари учун 2-3 минут вақт берилди. Сўнг жуфтликнинг ҳар бир аъзоси бутун гуруҳга ўз шериги тўғрисидаги маълумотларни бирор қизиқарли фактни қўшган ҳолда тақдим этади. Бунда гуруҳдаги ҳар бир киши битта одам билан танишиши кафолатланади. Бу метод иштирокчиларга дадиллик ҳиссини беради. Бироқ бу методни 25 кишидан ортиқ гуруҳда қўллаш мумкин эмас. Ижтимоий, гуманитар ва филология фанлари йўналишида қўллаш мумкин. Бирор мавзу доирасида ўзаро муҳокама шаклида ташкил этилади. Бир-бирининг фикрларини қўллаши, танқидий муносабатда бўлиши ва асосли фактлар билан фикрини ҳимоя қилиши назорат қилиб турилади. Танқидий фикрлаш ўз-ўзини баҳолашни ҳам ўз ичига олади

**“Панелли мунозара”** методида катта гуруҳда ўтказилади (40 киши ва ундан ортиқроқ):

1. Мунозара муаммоси ўқитувчи томонидан ифодаланади.



2. Ўқувчилар 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб, хонада доира шаклида жойлашадилар.

3. Ҳар бир гуруҳ аъзолари мунозара давомида уларнинг нуқтаи назарини ҳимоя қиладиган вакилни ёки раисни танлаб оладилар.

4. Муаммо кичик гуруҳда 15-20 дақиқа давомида муҳокама этилиб, умумий нуқтаи назар ишлаб чиқилади.

5. Гуруҳ вакиллари доира ўртасига тўпланиб, гуруҳнинг нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун гуруҳ фикрини баён этиш имконига эга бўладилар. Қолган иштирокчилар муҳокама жараёни ва кичик гуруҳлар вакиллари умумий нуқтаи назарни қанчалик аниқ ифодалаётганлари кетидан кузатадилар. Улар ўз фикрларини баён этишлари мумкин эмас, лекин муҳокама давомида ўз мулоҳазаларини ёзиб қўйган кичик мактубларни узатиш имконига эга бўладилар.



6. Гуруҳ вакиллари бошқа аъзолар билан маслаҳатлашиб олиш учун танаффус олишлари мумкин.

7. Панелли муҳокама ажратилган вақт тугаганидан сўнг ёки қарор қабул қилинганидан кейин яқунланади.

8. Мунозара тугаганидан сўнг гуруҳ вакиллари муҳокама қандай кечганлиги юзасидан танқидий мулоҳаза юритадилар, қарорлар эса барча иштирокчилар томонидан қабул қилинади.

Кўпроқ гуманитар ва табиий фанлар дарсларида қўлланилади.

## **МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Муаммоли таълим назарияси XX аср 60 йилларида қўлланилди. Ўқувчиларнинг изланишларини, мустақил фаолиятини рағбатлантиришга

йўналтирилган. Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларига тааллуқли, чунки бу ерда шахс субъект. Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг энг табиий самарали усулидир, чунки илмий билимлар мантиғи ўзида муаммоли вазиятлар мантиғини намойиш этади.

Биз доимий равишда ҳар бир ишда муаммоларни ҳал қиламиз. Аммо, ҳар қандай ўқув материали ҳам муаммоли баён этишга мос келавермайди. Ўқувчиларга фанни ўргатишда муаммоли вазиятларни яратиш осон. Муаммонинг мураккаблик даражаси – мазкур муаммо доирасида ўқувчи учун маълум ва номаълумлар нисбатига кўра аниқланади.

Муаммоли таълим технологиясининг учта асосий шакли мавжуд.

1. Ўқув материални муаммоли баён этиш – маърузавий машғулотларда монолог тарзда, семинар машғулотларида эса диалог тарзда олиб борилади. Ўқитувчи маъруза пайтида ўқув материални баён этаётганида муаммоли масалалар тузади

2. Қисман изланувчан фаолият тажрибалар, лаборатория ишларини бажаришда муаммоли семинарлар, Эвристик суҳбатлар давомида намоён бўлади. Ўқитувчи муаммоли саволлар тизимини тузади, бу саволларга жавоблар олинган билимлар базасига таянади,

3. Мустақил тадқиқот фаолиятида таҳсил олувчилар мустақил равишда муаммони ифода этадилар.

Муаммоли вазиятни ўқув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига боғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчиларнинг изланишига, фикрлашга ўргатади.

Муаммоли таълим ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларнинг фаол, мустақил фаолияти натижасида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ижодий

ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутди.

Муаммоли ўқитиш жараёнида бериладиган топшириқлар Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчиларга тадқиқий, эвристик, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш бўйича топшириқлар берилади.

Бунда:

- ностандарт масалаларни тузиш бўйича;
- шакллантирилмаган савол билан;
- ортиқча маълумотлар билан;
- ўзининг амалий кузатувлари асосида мустақил умумлаштириш;
- йўриқномалардан фойдаланмасдан қандайдир объект моҳиятини баён

этиш;

- олинган натижаларни қўллаш чегараларини ва даражаларини аниқлаш;
- ҳодисанинг намоён бўлиш механизминини аниқлаш;
- “бир лаҳзада” топиш каби топшириқларни бериш мумкин.

Муаммоли вазиятларда ечимга келишнинг алгоритми қуйидаги тартибда амалга оширилади. Муаммони қўйиш, маълумотлар фондини тўплаш, қайта ишлаш, ечим моделини аниқлаш, қўшимча маълумотлар тўплаш ва уларни танланган ечим моделида акс эттириш, янги маълумотлар ва ечим модели ўртасидаги зидликни аниқлаш, зидликнинг ечимини топиш, янги ечим моделини яратишдан иборатдир.

Муаммоли таълим технологиясида муаммо ечимининг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони, муаммоли вазиятни қамраб олади. Ўқитувчи, топшириқ беришда муаммоли вазият билан муаммонининг фарқларини тушунтириши лозим.

Муаммоли таълим технологиясини қўллашда ҳам қатор методлардан фойдаланилади: “Муаммоли топшириқ”, “Case study”, “Фокусли объектлар”, “Муаммоли вазият”, “Нима учун схемаси”, “Танқидий тафаккур” каби.

География ўқув предмети мазмунидаги муаммоли масалаларни ўқитишда **“Кейс”** дан фойдаланиш юқори самара беради.

**“Кейс” – case studies** инглиз тилидан олинган бўлиб, жараён ёки вазият деган маънони беради.

Дастлаб бу технологиядан бизнес ва тадбиркорларни ўқитишда фойдаланилган бўлиб, ҳозирги пайтда ўқитиладиган фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда табиатдаги жараёнларнинг ташқи ва ички, объектив ва субъектив омиллари юзасидан муаммоли вазиятлар яратилиб уларни ҳал этиш учун ўқув мунозаралари ташкил этилади.

**Таълим-тарбия жараёнида кейсдан фойдаланиш учун ўқитувчи:**

- дастур мазмунидаги муаммоли мавзуларни аниқлаши, шу мавзуларни ўқитиш учун муаммоли савол-топшириқлар тузиши;

- дарс давомида муаммоли савол-топшириқларнинг қийинчилик даражасига кўра яқка тартибда ёки ўқувчиларнинг кичик гуруҳларида мустақил ишларни ташкил этилишини аниқлаши;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини мазкур муаммоларни ҳал этиш, ўқув мунозаралари орқали мулоқотга киритиш йўлларини режалаштириши;

- муаммоли савол-топшириқлар асосида ташкил этилган ўқув мунозараларида якуний фикрни вужудга келтириши лозим.

Географияни ўқитишда расмни изоҳлашни талаб этадиган географик диктантлар муҳим ўрин тутиб, ўқувчиларда объектларни таниш, объектлар ўртасида боғланишларни аниқлашда ҳам **Кейс стадидан** фойдаланиш имконияти мавжуд.

**“Кейс стади” қуйидаги босқичлар асосида ташкил этилади:**

**I – босқич.** Ўқувчилардан тенг сонли кичик гуруҳларни шакллантириш.

**II – босқич.** Кичик гуруҳларга муайян жараёни ўрганиш мақсадида шакллантирилган муаммоли саволлардан иборат бўлган ўқув топшириқларини тарқатиш ва уларни топшириқнинг дидактик мақсади билан таништириш.

**III – босқич.** Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўқув муаммоларини ҳал этишга йўналтириш.

**IV – босқич.** Ўқувчиларнинг муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича ахборотларини тинглаш.

**V – босқич.** Кичик гуруҳлар ўртасида ўқув баҳси ва мунозара ўтказиш

**VI – босқич.** Умумий хулоса яшаш.

**“Кейс стади”** қўлланилганда ўқувчилар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб, билимларини кенгайтиради, чуқурлаштиради, ақлий фаолият усулларини эгаллайди, шахс сифатида ақлий ривожланиши ва касбий тайёргарлиги ортади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг бу тарзда ташкил этилиши уларда ижодий фаолиятни таркиб топтиришга имкон яратади.

**“Танқидий тафаккур” методи** ўқувчи қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишига асосланган. Одатда, муҳим масалаларни ҳал этаётганда юзага келади. Масалан: мактабларга ягона мактаб формаси керакми? Бу нарса ўқитувчига ўқувчиларнинг тинглаш ва мулоқот қилиш кўникмаларини, турли нуқтаи назардан тушуниш малакасини ривожлантириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, таҳлилий мушоҳада юритиш ва фикрлаш лаёқатини ошириш, уларнинг ўз фикрини шакллантириш маҳоратини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

1. Ўқувчиларга топшириқ ёки чалкаш масала қўйилади ва қуйидаги саволлар берилади: -Нима деб ўйлайсиз?

-Фикрингиз қанақа?

-Сизнингча қандай?



Бу каби саволлар ўқувчи ўз нуқтаи назарини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

2. Ўқувчига ўз нуқтаи назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилади.

3. Ўқувчи ўз фикрини асослайди, бунда унинг нуқтаи назарини аниқлаб олиш учун қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Нега бундай деб ўйлайсиз?

-Нималар асосида бундай хулосага келдингиз?

4. Ўқитувчи кўриб чиқилаётган масала юзасидан бошқа фикрда бўлган ўқувчиларга сўзлаш имкониятини беради, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Кимда бошқа фикр бор, нега?

-Ким айтилган фикрни маъқулламайди, нега?

5. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ҳар хил нуқтаи назарларни муҳокама қилиш воситасида барча фикрларни таҳлил қилиб чиқади, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Нега бошқа ўқувчининг нуқтаи назарини маъқулламайсиз?

-Ўз нуқтаи назарингизни тасдиқловчи асослар келтира оласизми?

6. Муаммони топшириқ, масала, чалкаш масала бўйича қабул қилинган қарорга ўқувчилар томонидан ўз нуқтаи назарларини қабул қилиши ёки қайта баҳоланиши билан эришилади, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:


-Сизнингча, кимнинг нуқтаи назари энг мақбул?

-Юзага келган вазиятдан қайси йўл билан чиқиш маъқулроқ?

“Нима учун” схемасини умумтаълим фанларининг барча мавзуларини ўрганиш жараёнида қўллаш мумкин. “Нима учун” схемаси-муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжиридир. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради. “Нима учун” схемасини тузиш қоидаси билан танишадилар. “Нима учун” сўроғини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар.

Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунча давом этади Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмаларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжирини тўғри чизиқли, тўғри чизиқли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.



### География дарсларида ўқув лойиҳа методи.

Замонавий таълим методларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг ижодий изланишларига асосланади. Ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб

ўқувчини ўз олдига мақсад қўя билишга, кенг ахборот маконида керакли маълумотларни топа билишга, муаммоларнинг алтернатив ечимларини топишга ва эгаллаган билимларини амалда қўллай олишга ўргатади.

Дастлаб бу метод XX асрнинг 20-йилларида АҚШ да шаклланган. Ўқитувчи-бу методда ташкилий, назорат, маслаҳат ва йўналтирувчи вазифаларини бажарса, ўқувчи таълим жараёнининг барча босқичларида фаол бўлади.

География дарсларида ўқув лойиҳаларининг қуйидаги турларини қўллаш мумкин.

- информатсион лойиҳалар-ахборотни излаш, топиш ва қайта ишлаш кўникмаларини шакллантиришга асосланган, шунингдек коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга ёрдам беради.

- амалий лойиҳалар-эгалланган билимларни ҳаётда қўллай олиш, муаммоларнинг амалий ечимларини топишга ёрдам беради.

- ижодий лойиҳалар-ўқувчида ижодий хусусиятларни, ташаббускорлик, мантиқий фикрлашни шакллантиради.

- тадқиқот лойиҳалари-танқидий фикрлаш, хотира, изланувчанлик ва тасаввурни шаклланишига ёрдам беради.

**Ўқув лойиҳаларини амалга оширишнинг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин:**

1 -босқич – Тайёргарлик: лойиҳа мавзусини танлаш.

2 -босқич – Мақсадни белгилаб олиш: муаммони аниқлаш, вазифаларни шакллантириш.

3 -босқич – Режалаш: муаммонинг ечимларини муҳокама қилиш; ролларни тақсимлаш (гуруҳларда ишлаганда).

4 -босқич – Амалга ошириш: натижаларни олиш.

5 -босқич – Тақдимот: лойиҳа натижалари билан таништириш.

6 -босқич – Баҳолаш: умумлаштириш, хулосалар чиқариш.



## Фаолият турига кўра лойиҳаларнинг таснифланиши

Фаолият тури	Бажариладиган ишлар	Лойиҳа турлари	
Илмий-тадқиқот	Географик, тарихий-маданий, ижтимоий ва экологик муаммоларни географик жиҳатдан ўрганиш	Ўзи яшайдиган ҳудуд экологияси; Халқларнинг миллий анъаналари; Яшаш қулай бўлган жой; Ижтимоий сўровномалар.	
Амалий	Картографик моделлар, географик схемалар яратиш, жойда ўлчов ва кузатиш ишларини олиб бориш	Жойнинг баландлигини ўлчаш, горизонталлар ёрдамида тасвирлаш; яшаш жойидаги табиат; табиат комплексларини ўрганиш.	
Қадриятларга асосланган	Қадриятлар, миллий анъаналарга асосланган лойиҳалар тузиш	Табиат ва биз; Табиий ёдгорликлар.	
Коммуникатив	Ахборот алмашинув, коммуникатив қобилиятларни шакллантириш	Мен яшайдиган жой келажакда лойиҳасини яратиш; Дарсликдаги мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлаш.	
Бадиий-эстетик	Эстетик жиҳатдан табиатнинг ўзига хос қирраларини очиб берувчи лойиҳалар яратиш. Театрлашган лойиҳалар.	Театрлашган лойиҳалар; Туристик сўқмоқлар яратиш; Экскурсия лойиҳалар.	

## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Бугунги кунда, ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини қўллаш, ўқитишга замонавий ёндашувлар

асосида шиддат билан ўзгариб бораётган жамият талабларига мос равишда таълим сифатини ошириш талаб этилмоқда.

Тарихдан биламизки, XX аср бошларида аксарият давлатларда мактаб таълимнинг мақсадлари одамларни саводга ўргатиш бўлган ва мазкур даврнинг биринчи ярмида юз берган, мисол учун, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши, табиат катализмлари

ва оммавий касалликлар таълим соҳаси тараққиётига салбий таъсир қилган.

XXI асрда мактаб таълими мақсадлари ўзгариб, ўқувчиларда саводхонлик, компетенциялар ва шахсий сифатлар/фазилятларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш устуворлик касб этмоқда.

Масофавий таълим – интернет технологияга асосланган. Масофавий таълим - бу ўқитиш яқка тартибдаги, анъанавий таълим шароитида иштирок этмаган яъни синф хонасида шахсан бўлмаган ўқувчиларга қаратилган. Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган. Масофавий ўқитиш эса дастлаб XIX асрда почта алоқаси хизматларининг ривожланишига асосланган ва Исаак Питман 1840-йилдан буён Буюк Британияда стенография ёзишмаларини ўқитгандан бери амалда бўлган.



Масофавий таълим (МТ) - бу ўқитувчи ва ўқувчи бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилганлиги сабабли, информацион технологиялардан фойдаланилган таълим туридир.

Масофавий таълим турини бир неча моделлари мавжуд, улар масофавий таълим ташкил қилинишига сабаб бўлган қуйидаги вазиятлари билан фарқланади: географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан

географик узоқлашган регионлар мавжудлиги), мамлакатни компьютерлаштириш ва информациялаштириш даражаси, транспорт ва коммуникациялар ривожланиш даражаси, масофавий таълим учун мутахассислар мавжудлиги, таълим соҳасида инфорацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси каби.

Масофавий таълим бўйича Франция ва Буюк Британия тажрибасини мисол қилиш мумкин. Буюк Британиянинг Очиқ университетидаги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мумкин. “ASTIONS” деб номланадиган масофавий таълим соҳасида қарорлар қабул қилишда, хусусан МТ технологиясини танлашда фойдаланилади. Бу таълимга Англия ва Австралия университетидаги(<http://www.une.edu.au>) таълимни мисол қилиш мумкин.

Боғланиш алоқаси бўйича ҳам ўзига хос моделларда кўриш мумкин.

Аралашган модел. Ушбу модел масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялаштириш учун яратилган. Бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва маърузалар ўтказиш ҳам киради.

**Бирламчи модел.** Ушбу модел фақат масофавий ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Уларнинг ҳар биттаси виртуал ўқитувчига бириктирилган бўлишади. Консултациялар ва якуний назоратларни топшириш учун эса регионал бўлимлар бўлиши шарт.

Шундай ўқув курсларда ўқитувчи ва ўқувчиларга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар берилади. Бу моделга мисол қилиб Буюк Британиянинг Очиқ Университетидаги таълимни олиш мумкин.

**Иккиламчи модел.** Ушбу модел масофавий ва кундузги таълим ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Иккала гуруҳда бир хил ўқув дастури ва дарслар жадвали, имтиҳонлар ва уларни баҳолаш мезонлари мавжуд. Шундай ўқув муассасаларда кундузги курсларнинг сони масофавийларга қараганда кўп.

Ушбу масофавий курслар педагогика ва услубиётдаги янги йўналишларни изланишларида қўлланилади. Бу моделга мисол қилиб Австралия университетидеги таълимни олиш мумкин.

**Konsortsiium.** Ушбу модел иккита университетларни бир- бири билан бирлашишини талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларни ташкил қилиб ишини таъминласа, иккинчиси эса уларни тасдиқлаб, курсларга ўқувчиларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда бутун университет эмас, балки битта кафедра ёки маркази ёки университет ўрнида таълим соҳасида ишлайдиган корхоналар ҳам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўқув курсларни доимий равишда назорат қилиш ва муаллиф ҳуқуқларини текшириш зарур бўлади. Бу моделга Канададаги Очиқ Ўқув Агентлиги таълими киради.

**Franchayzing.** Ушбу моделда иккита университет ўзлари яратган ўқув курслари бўйича бир-бири билан ўзаро тажриба алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларни тақдим қилади. Ушбу моделда иккала муассаса ўқувчилари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга мисол қилиб “Очик университет” бизнес мактаби ва Шарқий Европа университетлари билан бўлган ҳамкорлиги бўлиши мумкин.

Бугунги кунда масофавий таълимнинг технологик платформалари асосан “TV-технология”, “Кейс технология”, “Тармоқ технология” кўринишида амалга оширилмоқда. Телекоммуникацион (TV) технология. TV-технологияда ўқувчиларга ўқув-услубий материалларни етказиш ва доимий ўқитувчи-тўтор маслаҳатини ташкиллаштириш мақсадида телевидение тизимидан фойдаланилади.

Ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари қўллаш, ўқитишга замонавий ёндашувлар асосида шиддат билан

ўзгариб бораётган жамият талабларига мос равишда таълим сифатини ошириш талаб этилмоқда.

Педагогик технология тушунчасига берилган ЮНЕСКО таърифига кўра масофавий ўқитишга қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин: масофавий ўқитиш технологияси – бу инсон ва техник ресурсларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ҳисобга олган ҳолда, таълим хизматининг бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва оммабоплаштириш тизимли ёндашуви бўлиб, билвосита индивидуаллашган таълим тизимида ўқитиш шакллари мақбуллаштиришни ўзига вазифа қилиб қўяди. Масофавий ўқитиш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади: · таълим ахборотларини тақдим этиш технологияси; · таълим ахборотларини узатиш технологияси; · таълим ахборотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Таълим ахбороти: муайян фаолият тури, ихтисосини амалга оширишда қўллаши учун, ўқувчига бериш керак бўлган билимлардир.

Интернетдан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди, яъни Интернет турли соҳаларга тадбиқ қилинди. Интернет технологиялар: масофадан ўқитиш, электрон кутубхоналар, телемедитсина, телеметрология, электрон тадбиркорлик, электрон магазинлар ва бошқалар. Шунингдек, масофавий ўқитиш тизимида янги электрон китобларга алоҳида талаблар қўйилади. XXI асрда мактаб таълими мақсадлари ўзгариб, ўқувчиларда саводхонлик, компетенциялар ва шахсий сифатлар/фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш устуворлик касб этмоқда.

Масофадан ўқитишни ташкил этишни ҳозирги замон моделларининг асосида коммуникация ва тармоқ технологиялари ётади.

Масофавий таълим технологиялари ўзига хос авфзалликларга эга.

**Ўқувчига қулай шароит ва муҳитда таълим олиш, мустақил дарс қилиш вақти ва йўналишини танлаш (видеодарсларни такрор кўриш мумкин) имконини беради.**

Масалан, у кун бўйи турли фанларни ёки биттасини, масалан, кимёни ўрганиши, дарслиқдаги маълумотларни ўқиши, бирор мавзу бўйича видео тақдимотларни томоша қилиши, топшириқларни бажариши, ҳатто кичик тажриба ёки тажрибалар ўтказиш, тажриба орқали ўқиган билимларини ўрганиш (уй-рўзғорда кимёвий жараёнларни кузатиш) билан шуғулланиши мумкин.

**Дарс қилишда ота-она, оила аъзолари кўмагидан фойдаланиш, ўзини эркин (нотўғри жавоб бериб ёки вазифани нотўғри бажариб қўйиш хавотири бўлмади) ҳис қилиши мумкин.**

Мактабда бола ўз фаолиятини баҳолашига ўрганган, яъни у ҳар доим унинг натижаларини баҳолашини кутади (ўқитувчидан мақтов, тенгдошларнинг олқиши каби). Бундай фикрлаш тарзини шакллантириш жараёнида бола ўз муваффақиятсизликларини мағлубият деб билади, агар вазифани бажара олмаса ёки дарс мавзусини яхши тушунмаса, саводсиз кўринишдан кўрқади. Натижада, бола ўқишга қизиқмай қўяди, у ўқишни фақат яхши баҳо олиш, ўқитувчи ва ота-онаси талабига жавоб бериш деб қабул қилади.

**Турли таълим ресурсларидан онлайн ва мустақил фойдаланишда ўзи учун зарур суръатни танлайди ёки ота-онаси боланинг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.**

Масалан, ўқув материални ўзлаштириш учун кўп вақт талаб қиладиган секин ҳаракатланадиган болалар мактабда умуман ҳеч нарса қила олмасликлари мумкин, аммо масофавий таълим/мактабда улар тўлиқ намоён

бўлади. Ахир, бу ерда ҳеч ким уларни баҳоламайди, дарснинг тез тугашидан кўрқиб, дарслиқдан ёки партадошидан кўчиришга ҳожат қолмайди.

**Умумий ўрта таълим бўйича ўқув дастури барча мактаблар учун бир хил бўлишига қарамай, масофавий ўқитиш анча кам вақт талаб этади.**

Мактабда дарс белгиланган вақт давом этади (45 дақиқа), агар ўқувчи дарсни ўрганган бўлса ва топшириқни белгиланган муддатдан олдин бажарган бўлса ҳам, у қўнғироқни кутишга мажбур бўлади. Шунингдек, агар биз мактабга бориш ва аксинча (айниқса мактаб узоқда бўлса) мактабдан қайтиш учун кетадиган вақтни уйда бошқа машғулотларга сарфлаш мумкин.

Ўқувчи мустақил таълим олишда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини тарбиялаш кўникмалари ривожланади, бундай муваффақият нафақат мактаб даврида, балки кейинги касбий фаолиятида ва ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади.

Ўзини тартибга солиш қобилияти нафақат ўқиш ва ишлашда, балки келажакда оилада, болаларни тарбиялашда, сеvimли машғулотларида, дўстлар ва танишлар билан мулоқотда ҳам зарурдир.

Масофавий таълим жараёни иштирокчиларининг АКТ фойдаланиш кўникмалари ривожланади, ахборот макони, ижтимоий тармоқларда ишлаш маданияти ошади.

**Масофавий мустақил таълим мактаб таълимига мутлоқ муқобил эмас, балки тўлдирувчи сифатида самарали бўла олади ва айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.**

**Жумладан,** ота-она томонидан берилган кўмак ўқитувчи кўмагидек профессионал бўлмаслиги мумкин (аммо, масофавий таълимда шахсий омил муҳим эмас, ўқитувчи билан интернетда алоқа ўрнатиши мумкин).

Ўқувчининг тенгдошлари билан жонли мулоқотда бўлиши, яъни ижтимоийлашув имкониятлари чекланиб қолади.

Мақтаб ўқувчилари учун масофадан ўқитишнинг асосий камчилиги, шубҳасиз, жамиятнинг аъзоси сифатида боланинг шахсияти шаклланадиган ижтимоий муҳитнинг йўқлиги. Шу сабабли, келажакда, жамоада ишлашда қийинчиликлар бўлиши, рақобат муҳитида ҳаракат қилиш ва мавжуд шароитларга мослашиш қобилияти етишмаслиги мумкин.

Шунингдек, масофавий таълимда ота-она боланинг ижобий ва салбий ҳиссиётлари, ўрганишни истамаслиги, диққатни жамлай олмаслик, мавзунини тушунмаслик, ёмон кайфият, психологик манипуляциялар, масалан “кўзларим компьютердан оғрияпти”, “мен тоза ҳаводан нафас олмоқчиман”, “сиз қандай қилиб тушунтиришни билмаяпсиз”, “Мен чарчадим ва ухлашни хоҳлайман” каби ҳолатлари кузатилиши мумкин.



Ота-оналарнинг ўзлари ҳам турли эмоционал ҳолатларни бошидан кечиради. Фарзандларининг таълим-тарбиявий эҳтиёжлари, ютуқлари, кучли ва заиф томонлари ҳақида билиб олади.

Улар айрим пайтларда кучсизликдан умидсизликка тушиш ва муваффақиятдан хурсанд бўлиш, зарур бўлса тасалли бериш, ҳаётий тажрибаси асосида дарс бериш, тушунтириш, бардошли бўлиш, қойил қолиш каби психологик ҳолатларни бошидан кечиради. Буларсиз, афсуски, болани ўқитиш техник ҳаракат бўлиб қолади, яъни тарбиявий аҳамияти йўқолади.

Масофавий таълим жараёнида ота-оналар назорати оқилона бўлиши, болани мажбурламаслик ва унга босим ўтказмаслик керак (оддий дангасалик ва итоатсизлик бундан мустасно). Унинг феъл-атвори хусусиятларини ҳисобга





олиш (яъни психолог бўлиш керак), мустақил ишлашга одатлантириш, у учун вазифаларни бажармаслик, аксинча, унга ўз кашфиётларини қилиш ва ундан завқланиш имкониятини берадиган энг зарур

нарсаларга ёрдам бериш лозим.

Мактаб ўқувчилари учун масофадан ўқитиш усулларининг ўзига хослиги, инновационлиги ва долзарблигини таъкидлайдиган бир қатор жиҳатлар мавжуд, айниқса карантин даврида:

ўқув жараёнининг ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита ўзаро мулоқотини талаб қилмайди;

асосан ахборот алмашинувининг электрон воситалари (видеодарслар, электрон ресурслар, ўқув фильмлари, виртуал лабораториялар ва б.) қўлланилади;

мунтазам интерфаол таълим олиш, эпизодик эмас ва ўқув фаолияти натижалари самарадорлиги учун катта масъулият ўқувчилар ва уларнинг оналарига юклатилади.

Ҳозирда, масофадан ўқитиш зарур чора сифатида қабул қилинди, аммо келажакда у турли ёшдаги ўқувчилар учун қулай, ривожлантирувчи ва мустақил масофавий таълим олишнинг қўшимча шакли бўлиб қолиши шубҳасиз.

Хулоса қилинганда, масофавий таълим куйидаги ҳолларда самарали натижа беради:

ногирон болалар учун;

айрим илғор мактабларда таълим олишни истаганлар, аммо ҳудуднинг узоқлиги сабабли юқори малакали педагогик ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар;

қўшимча таълим олиш;

таълим фаолиятининг индивидуал суръатларига мос равишда иқтидорли болалар билан ишлаш;

касаллик ва сабаблар туфайли вақтинча уйда таълим олиш эҳтиёжи мавжуд болалар учун.

Ўз ўрнида, масофавий таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ўқитувчи ва таълим мутахассисларига ҳам бир қатор замонавий талабларни қўяди:

ўз устида мустақил ишлаш орқали компетентликни оширишнинг эскича ёндашувидан янги, инновацион ечимларига ўтиш;

ўқитувчи ўзининг электрон кутубхонасини шакллантириши, яъни рақамли ахборот таълим ресурсларини тўплаш, сақлаш, янгилаш ва ўқувчиларига етказишга ўрганиш;

компьютер техникаси, маҳаллий тармоқ ва интернетга уланиш ва ишлаш имкониятларини яратиш;

дидактик, методик ва электрон таълим ресурслардан (расмий таълим порталлари ва вебсайтлар) самарали фойдаланиш;

ота оналар, ҳамкорлар ва ҳамкасблар билан электрон тармоқдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Шунингдек, айти пайтда, ўқитувчиларнинг АКТ соҳасидаги билим ва компетенцияларини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, уларда медиасаводхонлик ва медиамаданиятни ошириш зарурати ошмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнини ўқув-методик таъминлаш (виртуал лаборатория ишлари, таълим дастурлари, ўқув-услубий материаллар ва ҳ.к.).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, масофавий таълим муҳити замонавий ахборот, телекоммуникация ва вебтехнологиялар имкониятларига кўра ранг-баранглиги, контентнинг барча ёшдаги истеъмолчиларга мослаштирилганлиги билан ўзига жалб этади. Натижада, ўқувчиларга карантин шароитида мустақил таълим олишга кўмаклашиш, электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларга янгиликларни тезкор равишда етказиш имконини бериши жараён иштирокчиларида қизиқишни кучайтиради. Фойдаланишнинг осон ва оддийлиги, ёшидан қатъи назар барча ўқувчилар ва ота-оналарга масофадан туриб ёрдам бериш имконини таъминлайди.

Масофавий таълим жараёнида ота-оналар назорати оқилона бўлиши, болани мажбурламаслик ва унга босим ўтказмаслик керак (оддий дангасалик ва итоатсизлик бундан мустасно). Унинг феъл-атвори, хусусиятларини ҳисобга олиш (яъни психолог бўлиши керак), мустақил ишлашга одатлантириш, у учун вазифаларни бажармаслик, аксинча, унга ўз кашфиётларини қилиш ва ундан завқланиш имкониятини берадиган энг зарур нарсаларга ёрдам бериш лозим.

Мактаб ўқувчилари учун масофадан ўқитиш методларининг ўзига хослиги, инновационлиги ва долзарблигини таъкидлайдиган бир қатор жиҳатлар мавжуд, айниқса карантин даврида:

ўқув жараёнининг ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита ўзаро мулоқотини талаб қилмайди;

асосан ахборот алмашинувининг электрон воситалари (видеодарслар, электрон ресурслар, ўқув фильмлари, виртуал лабораториялар ва б.) қўлланилади;

Ҳозирда, масофадан ўқитиш зарур чора сифатида қабул қилинди, аммо келажакда у турли ёшдаги ўқувчилар учун қулай, ривожлантирувчи ва

мустақил масофавий таълим олишнинг қўшимча шакли бўлиб қолиши шубҳасиз.

Хулоса қилинганда, масофавий таълим қуйидаги ҳолларда самарали натижа беради:

ногирон болалар учун;

айрим илғор мактабларда таълим олишни истаганлар, аммо ҳудуднинг узоқлиги сабабли юқори малакали педагогик ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар;

қўшимча таълим олиш;

таълим фаолиятининг индивидуал суръатларига мос равишда иқтидорли болалар билан ишлаш;

касаллик ва сабаблар туфайли вақтинча уйда таълим олиш эҳтиёжи мавжуд болалар учун.

Ўз ўрнида, масофавий таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ўқитувчи ва таълим мутахассисларига ҳам бир қатор замонавий талабларни қўяди:

ўз устида мустақил ишлаш орқали компетентликни оширишнинг эскича ёндашувидан янги, инновацион ечимларига ўтиш;

ўқитувчи ўзининг электрон кутубхонасини шакллантириши, яъни рақамли ахборот таълим ресурсларини тўплаш, сақлаш, янгилаш ва ўқувчиларига етказишга ўрганиш;

компьютер техникаси, маҳаллий тармоқ ва интернетга уланиш ва ишлаш имкониятларини яратиш;

дидактик, методик ва электрон таълим ресурслардан (расмий таълим порталлари ва вебсайтлар) самарали фойдаланиш;

ота оналар, ҳамкорлар ва ҳамкасблар билан электрон тармоқдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Шунингдек, айти пайтда, ўқитувчиларнинг АКТ соҳасидаги билим ва компетенцияларини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, уларда медиасаводхонлик ва медиамаданиятни ошириш зарурати ошмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнини ўқув-методик таъминлаш (виртуал лаборатория ишлари, таълим дастурлари, ўқув-услубий материаллар ва ҳ.к.). Масофавий таълимнинг технологиялари ва унда қатнашувчилари. Масофавий таълимнинг асосий технологияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**ИНТЕРАКТИВ** технологиялар:

Интернет масофавий таълим портали.

Видео ва аудио конференциялар.

Электрон почта орқали таълим.

Интернет орқали мустақил таълим олиш.

Узоқдан бошқарувчи системалар.

Онлайн симулятор ва ўқув дастурлар.

Тест топшириш STEMлари.

Кейс-технологиялари. Кейс технологиялари матн, аудио кўринишли ва мултимедиа ўқув–услубий материаллар тўплами (кейслар)дан фойдаланиш ва ўқувчиларга мустақил ўрганишлари учун ўқитувчи-тўтор томонидан доимий маслаҳатларни беришга асосланган.

## Синхрон ва асинхрон ўқитиш методи

Тармоқ технологиялари, телекоммуникация тармоқларидан ўқитувчи ва ўқувчи билан ўзаро боғлиқликдаги ҳар хил интерактив даражали ва ўқувчиларни ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш учун



қўлланилади. Тармоқ технологиялари асинхрон ва синхрон турларга бўлинади. Асинхрон тармоқ технологиялари. Ҳозирги кунда таълим тизимимизда кўпроқ асинхрон технологияларнинг икки гуруҳидан фойдаланилмоқда: - Сомпютер-Басед траининг (SVT) – турли даражали 68 интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар воситасидаги мустақил таълим. - Веб-Басед траининг (WBT)- турли даражали интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар асосидаги мустақил ва жамоавий таълим. Синхрон тармоқ технологиялари. Замонавий масофавий таълим технологияси бўлиб, бунда таълим иштирокчилари ўқув жараёнида бири-биридан узоқ ҳудудда жойлашган бўлади. Синхрон технологиялар видеоконференция воситалари ва биргаликда ишлаш қўшимча жиҳозларидан фойдаланган ҳолда виртуал синфлар яратишга асосланган. Синхрон технологиялар бир вақтнинг ўзида виртуал синфдаги барча ўқувчиларнинг қатнашишларини талаб қилади ва бир машғулот давомида ўқитишнинг турли моделларини бирга қўшиб олиб бориш имкониятини яратади.

### Адаптив (мослашувчан) таълим

Адаптив(мослашувчан) таълим (**adaptive learning**)-таълим олувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир таълим олувчи учун алоҳида йўналишдаги динамик тизим бўлиб, таълим олувчига ҳар томонлама мослаштирилади.

Асосий хусусияти турли даражадаги билим ва компетенцияларга эга бўлган ўқувчиларни индивидуал йўналиш бўйича таълим бериш орқали бир хил даражага етказишдан иборат. Назорат қилиш жараёни ҳам шу тарзда амалга оширилади яъни тест саволлари ҳам индивидуаллаштирилади ва мослашувчан бўлади (**adaptive testing**). Оддий тест тизимларидан фарқи динамиклиги билан ажралиб туради. Саволлар реал вақт тизимида ўқувчининг аввалги саволларга берган жавобига қараб ўзгариб боради.

### Тестларни яратиш ва ўтказишга қўйиладиган талаблар

Тест саволларни яратиш			
Саволлар банки		Индивидуал тестдаги саволлар сони	
Ҳар бир тест иштирокчиси учун тузилган саволлар тўпламлари жамланмаси		Тест иштирокчиси учун бериладиган саволлар сонидан келиб чиқади	
Саволлар сонининг минимал миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади Саволлар сони = 15 × мавзулар сони (тестнинг тематик блоклари сони).		Индивидуал тестдаги саволларнинг оптимал сони қуйидагича ҳисобланади Саволлар сони = 5 × мавзулар сони (тестнинг тематик блоклари сони)	
Саволларнинг турлари			
Битта тўғри жавобни танлаш лозим бўлган тестлар	Бир нечта тўғри жавобни танлаш лозим бўлган тестлар (multi choice)	Тўғри кетма-кетлик, ёки мосликни ўрнатишни талаб қилувчи тестлар	Жавоби ёзиладиган тестлар
Тест жавобларининг вариабеллиги			
Очиқ жавобли тестлар-тест саволининг битта жавоби мавжуд ва у тўғри жавоб	Битта тўғри жавобли тестлар Бир нечта тўғри жавобли тестлар	Барча жавоблари тўғри бўлган тестлар	
Мураккаблик даражаси			

Саволлар банкидаги саволлар мураккаблик даражасига кўра камида 3та даражага бўлинади. Даражалар сони қанча кўп бўлса аниқроқ баҳолаш имконини беради	Ҳар бир мавзу кесимида ҳам саволлар мураккаблик даражасига кўра камида 3та даражага бўлинади	Мавзу ичида, ҳар бир мураккаблик даражасига кўра камида 3та савол бўлиши лозим. Саволлар сони қанча кўп бўлса, вариантлилики ва конфиденциаллик юқори бўлади.	
Адаптив тестлар имконини берувчи воситалар			
Qualtrics	Google Forms	Typeform	Doodle

### Виртуал макон ва виртуал синф

Виртуал макон (virtual reality, VR)-компютер технологиялари ёрдамида яратилган борлиқ, макон. У ёрдамида асл воқеа ва ҳодисаларнинг, асл маконнинг имитацияси яратилади. Жараёнларнинг содир бўлишини вақт ва маконда кузатиш имконини беради.

#### Таълим тизимида қуйидаги шакллари кенг тарқалган:

- Виртуал симуляторлар (тренажёрлар) - дастурга киритилган сценарийлар бўйича ҳаракат амалга оширилиб, кўникма ва малакалар шакллантирилади.
- Виртуал ўйинлар- виртуал маконда ўйин элементларини бажариш орқали кўникма ва малакалар шакллантирилади.
- Виртуал коллаборация- виртуал маконда ўқувчи бошқа иштирокчилар билан биргаликда элементларни бажариш орқали кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Виртуал синф (virtual classroom)- масофавий таълим технологияси бўлиб, бунда таълим олувчи ва ўқитувчи интернет тармоғи ёки корпоратив ахборот тизимларидан фойдаланиб ўзаро мулоқотда бўлишади, ахборот алмашишади. Виртуал синфлар ўзаро бирлашиб виртуал кампуслар (virtual



campus)ни ҳосил қилади, иштирокчилар жадвал бўйича турли синфларга кириши мумкин. Виртуал синфда барча таълим жараёнлари моделлаштирилади. Видеоконференциялар, виртуал доска (флипчарт), аудиоқонференциялар, сўровлар, тестлар, тақдимотлар ва чатлардан кенг фойдаланилади.

### **Тўлдирилган ахборот макони**

Тўлдирилган макон (augmented reality, AR) – реал вақт режимида рақамли қурилмалар ва дастурий таъминотлар ёрдамида рақамли маълумотлар билан бевосита ёки билвосита тўлдирилган табиий макон.

Қуйидагилар бунга яққол мисол бўла олади:

- QR-кодлар: мультимедия материалларига гипермуружатли QR-кодлардан фойдаланиш босма ўқув материалларини тўлдириб, уларнинг динамиклигини таъминлайди.
- Реал муҳитга сингдириладиган виртуал объектларни лойиҳалаш ва уларнинг прототипларини яратиш.

### **Геймификация**

Геймификация (gamification) – Дарс жараёнида ўйиндан ташқари ҳолатларда ўйин элементларини сингдириш орқали ўқувчиларни дарсга қизиқтириш технологияси. Масофавий таълимда кенг қўлланилади.

Қуйидаги элементлари кенг қўлланилади:

- сюжетли элементлар;
- тизимли баллар ва бонуслар;
- тизимли баллар, бонусларни сарфлаш ва фойдаланиш имконияти;
- бошқалар билан таққослаш имконини берувчи иштирокчи рейтинги;
- фойдаланувчининг якуний баҳолаш тизими;
- фойдаланувчиларни таълимий дастурларини индивидуал коррективка қилиш.

## Таълимда сунъий интеллект

Сунъий интеллект (artificial intelligence) – интеллектуал машиналар, интеллектуал компьютер дастурлари яратиш илми ва технологиялар йиғиндиси.

Шунингдек инсон амалга ошира оладиган вазифаларни бажарувчи интеллектуал тизим. Таълимда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- билимларни тақдим этиш;
- билимлар устида амаллар бажариш;
- мулоқот;
- ҳис этиш;
- ўргатиш.

Таълим жараёнида сунъий интеллектнинг турли шаклларидадан фойдаланилади. Буларга,

- автоматлашган назорат дастурлари-кўпчилик таълим муассасалари big data технологиялари билан биргаликда ўқувчилар давомади ва топшириқларни бажариш даражасини назорат қилишади.

-ўқув гуруҳларини модерация қилиш-тенг иқтидорли ўқувчиларни бир гуруҳга жамлаш.

-интеллектуал таълимий тизимлар-ўқитувчи вазифасини симуляция қилувчи дастурлар.

Сунъий интеллектга асосланган таълимий алгоритмларга мисоллар:

- **онлайн-платформалар- Coursera, edX ва Udacity;**
- **таълимий дастурлар -Carnegie Speech ва Duolingo.** Нутқни, талаффузни тўғрилашда ёрдам беради ;
- **Knewton дастури.** Ўқувчининг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиб ўқув режалари тузиб чиқади;

- **AutoTutor тизими.** Компютер саводхонлиги, физикани ўргатади ва танқидий тафаккурни шакллантиради;
- **SHERLOCK тизими.** Ҳарбий учувчиларни тайёрлашда ёрдам беради (самолёт нуқсонларини топишни ўргатади);
- **Чат-бот (chat bot)** – Матн ёрдамида ўқувчи билан мулоқот олиб борувчи тизим.

### МООС-оммавий очиқ онлайн курс

**Оммавий очиқ онлайн курс (massive open online course, MOOC)** – масофавий таълим дастури бўлиб, интернет тизими орқали ҳамма учун очиқ, иштирокчилар сони чекланмайди.

Асосий жиҳатлари:

- турли форматдаги, катта ҳажмли мультимедия контентининг мавжудлиги;
- ижтимоийлашув, ўзаро таълимнинг мавжудлиги;
- «кириш»да турли талабларнинг йўқлиги;
- иштирокчиларнинг географик тарқалганлиги, дунёнинг исталган жойидан фойдаланиш имконияти;
- интерактивлиги;
- ҳамма учун бир хил талаблар, қатъий жадвал асосидаги дастурлар, курсни тўлиқ тугатгач сертификат билан тақдирланиш;
- узлуксиз, кўп модулли;
- асинхрон ва синхрон таълим тизими аралашмаси;
- кучли мотивация.

### ИНТЕРАКТИВ ЎЙИНЛАР

Абу Райҳон Беруний фикрича, инсон яратадиган ҳар бир нарса унинг руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлиши керак: — Ҳар доим бир нарсани ўқитиш ва ўргатиш зерикарли бўлади, тоқатни тоқ қилади. Агар шогирд бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, у худди турли – туман боғ

– боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар – ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. —Ҳар бир нарса роҳат бағишлайди|| - дея эътироф этади.||<sup>3</sup>

Ижтимоий, гуманитар филология фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятига қараб саҳналаштирилган ўйинлар ўқувчиларни ижодкорликка йўналтиради. Бу саҳна методи ўқувчиларда нутқ маданиятини оширади, тафаккурини ривожлантиради, ирода, интизом ва хатти-ҳаракатларни бошқара олиш, бошқаларнинг ҳаракатлари билан ҳисоблашиш каби ижобий хислатларини шакллантиради. Саҳналаштириш ролларни ижроси орқали ички ҳаётига бевосита алоқадор бўлган қаҳрамонлик, жасурлик, меҳрибонлик, жонбозлик, жонкуярлик каби ижобий фазилатларни жонлантиради. Бу жараёнда унинг нутқи бойиб, луғат захираси кенгаяди, дунёқараши такомиллашади.

Оғзаки сўзли ўйинлар. Бу ўйинлар бошланғич синф ёшдаги болалар билан ўтказилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай ўйинлар болаларнинг ақлий ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Дидактик таълим берувчи ўйинларда табиий нарса ва буюмлардан кенг фойдаланилади. Боланинг кун тартибида дидактик ўйин учун вақт ажратилиши керак.

Дидактик ўйинлар нафақат ўқитишнинг амалий йўналиши кучайишига, балки ўқувчи ва талабаларнинг дарс жараёнида ўзлаштираётган назарий билимларини мустақкамланишига олиб келади. Бунда ўйинлар мазмуни ва натижаси пухта аниқланади. Дидактик ўйинларда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак:

- навбатма-навбат таъсир этиш;
- сўралганда жавоб бериш;

---

<sup>3</sup> М. Қуронов. “Болам бахтли бўлсин десангиз”

- ўртоқлари фикрини эшита олиш;
- ўйин жараёнида бошқаларга халал бермаслик;
- ўйин қоидасига риоя қилиш;
- ўз хатосини тан олиш каби.

### **Сюжетли - ролли ўйинлар.**

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим рол ўйнайди.

Бизнинг фикримизча, кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг объектлари ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни ўқувчиларнинг ўзларидаги билим захираларига таянган ҳолда, ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли ролли ўйинлар деб аташ лозим.

### **Географик квестлар**

Квест (инглизчада “quest”) –интерактив ўйин турларидан бўлиб, мустақил тадқиқ этишга асосланган, асосий элементлари ўйин жараёнида топшириқлар, бошқотирмалар кетма-кетлигини бажариш орқали кейинги босқичларга ўтиб борилади. Индивидуал ёки гуруҳларда қўллаш мумкин. Ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ва амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган топшириқлар билан ишлашга мўлжалланган амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ҳамда мустақил бажаришга ва ижодий, креатив фикрлашга ундовчи амалий топшириқлар билан бойитилади. Гуруҳларда қўлланилганда ўқувчилар орасида ўзаро коммуникатив компетенцияларни шаклланишига ёрдам беради .

## Ижодий ўйинлар.

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллаш ва изланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Мазкур дидактик ўйинли дарсларда ҳамма ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади ва ҳар бир ўқувчи сидқидилдан ҳамда жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаган ҳолда билим олишга киришади.

## ДАРС ИШЛАНМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

**Sinf:** 6

**Fan:** *Geografiya*

**Mavzu:** *Okeaniya*

**Darsning maqsadi:**

**a) ta'limiy:** o'quvchilarga Okeaniya haqida umumiy ma'lumot berish, ularni Okeaniyaning asosiy xususiyatlari, geografik o'rni, o'rganish tarixi, relyefi va foydali qazilmalari bilan tanishtirish; Okeaniya va uning tarkibiga kiruvchi orollar, ulardagi geografik obyektlarning nomlarini to'g'ri qo'llay olish (to'g'ri talaffuz qilish va yozish) kompetensiyalarini shakllantirish;

**b) tarbiyaviy:** o'quvchilarda boshqa millat, elat va xalqlarga hurmat hissini shakllantirishda davom etish, ularning urf-odatlarini, an'ana va marosimlariga hurmat hamda diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlik ruhida tarbiyalash.

**c) rivojlantiruvchi:** o'quvchilarning qo'shimcha adabiyotlar bilan mustaqil ishlashga o'rgatish; ularning nutqini o'stirish; o'quvchilarni Okeaniya tabiati bilan tanishtirishda Internet tarmog'idan foydalanish va bu orqali ularning kompyuter savodxonligi bo'yicha bilimlarini mustahkamlash.

**Dars uslubi:** Ko'rgazmali-amaliy;

**Dars usuli:** Noan'anaviy (Toifalash jadvali, "Men kimman?", SWOT-tahlili);

**Dars tipi:** Yangi bilimlar beruvchi

**Dars shakli:** Individual va mustaqil ishlash darsi

**Dars didaktikasi:**

**a) jihozi:** darslik, o'qituvchi kitobi, 6-sinflar uchun tayyorlangan o'quv fiolari, o'quv atlas va yozuvsiz xaritalar, Dunyoning tabiiy xaritasi;

**b) texnik vositalari:** kompyuter, televideoprojektor, monitor.

**Asosiy tushunchalar va atamalar:** Okeaniya, melaneziya, mikroneziya, polineziya, orollar, orollar yoyi, atoll va boshqalar.

### Darsning blok-sxemasi:

T/r	Darsning bosqichlari	Vaqt
1	Tashkiliy qism	3 daqiqa
2	O'tilgan mavzuni takrorlash	10 daqiqa
3	Yangi mavzu bayoni	15 daqiqa
4	Yangi mavzuni mustahkamlash	12 daqiqa

5	Darsni yakunlash: 1.O'quvchilarni baholash 2. Uyga vazifa berish va darsni yakunlash	5 daqiqa
---	--	----------

### DARSNING BORISHI:

#### I. Tashkiliy qism(*salomlashish, davomatni aniqlash, sinf tozaligini va o'quvchilarning darsga tayyorgarligini tekshirish*).

O'qituvchi darsga kirib kelib, o'quvchilar bilan salomlashadi va quyidagi she'rni aytadi:

Qadimda Eratosfen,  
Atagan fan, o'sha – men.  
Yunoncha so'z “geo” – “Yer” –  
“Grafo” – “yozaman” der.  
O'zbekchaga o'girsak,  
“Yerning tasviri” demak.  
Buni barcha o'quvchi,  
Albat bilmog'i kerak.

Shundan so'ng o'qituvchi davomatni aniqlaydi, sinf tozaligini va o'quvchilarning darsga tayyorgarligini tekshiradi. Bugungi dars quyidagi kartochkalar asosida baholab borilishini e'lon qiladi:



II. **O'tilgan mavzuni takrorlash.** O'tilgan – “**33- §. Tinch okean**” mavzusi “Toifalash jadvali” metodidan foydalangan holda takrorlanadi.

**“Toifalash jadvali” uchun topshiriq namunasi:  
“Tinch okean”**



Asosiy xususiyatlari	Geografik o'рни, maydoni va chegaralari	Okeanni o'rgangan sayyohlar (kamida 3 ta yozing)	Okean tubining asosiy relyef shakllari	Iqlimi	Suvining sho'rligi	Asosiy dengizlari (kamida 5 ta yozing)	Asosiy oqimlari (kamida 3 ta yozing)

**III. Yangi mavzu bayoni.** Dastlab, 6-sinlar uchun tayyorlangan “Okeaniya” mavzusidagi o’quv filmi televideoprojektor yordamida monitor orqali namoyish etiladi. Shundan so’ng o’qituvchi darslik, devoriy xarita va o’quv atlasidan foydalangan holda mavzuni tushuntirib beradi, Okeaniyaning qismlarga bo’linishi va ularga tegishli orollarni xaritadan ko’rsatadi:

Okeaniya — Tinch okeanning bepoyon suvli maydonlarida sochilib yotgan orollar dunyosi, suv tagidan hisoblansa, harakatdagi eng baland vulqoni bor, zaharli ilonlari,

yirtqichlari va yirik sutemizuvchi hayvonlari yo’q, yagona uch ko’zli kaltakesak shu yerda yashaydi, endemik organizmlari ko’p, quruqlikka nisbatan suvli muhit eng ko’p (98 %) maydonni egallaydi. Quruqlikning 90 % maydoni ikki orolga to’g’ri keladi.

**Geografik o’rni.** Tinch okeanning markaziy va g’arbiy qismlarida sochilib yotgan katta-kichik orollar *Okeaniya* deb ataladi. O’zi egallagan maydonga nisbatan quruqlik atigi 2%ni tashkil etganligi uchun ham Okeaniya nomini olgan. Okeaniya o’z tarkibiga 7 mingdan ortiq orollarni birlashtiradi. Orollarning umumiy maydoni atigi 1,3 mln kv km.

Okeaniya hududi tabiiy geografik va tarixiy-milliy farqlariga asoslanib, uchta qismga, ya’ni to’plam orollariga bo’linadi.

1. Melaneziya (yunoncha, *melos* — qora, *nesos* — orol, ya’ni *qora orollar*).
2. Mikroneziya (yunoncha, *kichik orollar*).
3. Polineziya (yunoncha, *ko’p orollar*).

**Melaneziya.** Melaneziyaga Yangi Gvineya, Bismark, Luiziadaarxipelaglari, Solomon orollari, Santa-Krus, Yangi Gebritorollari, Yangi Kaledoniya, Fiji, shuningdek, bir qancha maydaorollar kiradi. Bular, asosan, materik orollaridir.

**Mikroneziya.** Mikroneziyaga Valkano, Bonin, Miriana, Karolina, Marshall, Gilbert, Ellis arxipelaglari, Nauru va Oshenorollari kiradi. Bular ko'proq marjon orollari hisoblanadi.

**Polineziya.** Polineziyaga Gavayi orollari, Layn, Finiks, Tokelau, Samoa, Kuk, Taiti, Jamiyat, Tuamotu yoki Rossianatollari (**atoll — yarim yoy yoki yarim doira shaklidagi marjon oroli**), Markiz orollari va Pasxa oroli kiradi.

**O'rganilish tarixi.** Okeaniya to'g'risidagi ma'lumotlar yevropaliklarga F. Magellan sayohatidan (1521- y.) keyin ma'lum bo'lgan. J. Kuk (1771—1773- y.) ko'plab orollarni xaritaga tushirib tavsif bergan. XIX asrda ruslar 40 marotaba ekspeditsiya uyushtirgan. Shu asrning oxirida „Chellenjer“ ekspeditsiyasi (1873—1876- y.) Okeaniya orollari, aholisi haqida qiziqarli ma'lumotlar to'pladi. Bu borada M. N. Mikluxo-Maklay Yangi Gvineyada papuaslar bilan birga 12 yil yashab (1871—1882- y.), ularning yashash tarzi haqida bebaho ma'lumotlarni yozib qoldirgan.

**Geologik tuzilishi va relyefi.** Orollarning geologik tarixi va qanday jinslardan tuzilganligiga ko'ra bir necha guruhlariga bo'lish mumkin. Materik orollari (Yangi Gvineya, Yangi Zelandiya), vulqonli orollar (Gavayi, Pasxa, Tuamotu), geosinklinal orollar (Mariana, Yangi Kaledoniya). Bulardan tashqari, Okeaniyada biogen (marjon, atoll, rif) orollar ko'p uchraydi. Okeaniyaning eng baland nuqtasi Yangi Gvineya orolidagi Jaya cho'qqisi (5 030 m) hisoblanadi.

Okeaniyaning yirik orollarida foydali qazilma konlari bor. Jumladan, Yangi Kaledoniyada nikel, Yangi Gvineya va Yangi Zelandiyada neft va gaz, Fiji va Yangi Gvineyada oltin, Nauru orolida fosforit konlari bor.

**IV. Yangi mavzuni mustahkamlash.** Yangi mavzuni mustahkamlash “Men kimman?” usuli asosida o'tkaziladi. Bunda o'qituvchi Okeaniyani o'rgangan biror sayyoh, uning sayohat yillari va o'rgangan obyektlariga doir biror tavsif beradi va o'quvchilarga tomon “Men kimman?” degan savol bilan yuzlanadi. O'quvchilarning javoblari yuqoridagi kartochkalar asosida baholanadi.

**“Men kimman?” usuli uchun namuna:**

*Men 1771—1773- yillardagi sayohatlarim davomida Okeaniyadagi ko'plab orollarni o'rganganman va ularni xaritaga tushirganman. Men kimman?*

*J.: Jeyms Kuk*

**V. Uyga vazifa berish va o'quvchilarni baholash.** Shundan so'ng o'qituvchi uy vazifasini e'lon qiladi:


**Uyga vazifa:** Okeaniyadagi vulqonlarni va yirik orollarni yozuvsiz xaritaga tushirib, ularning nomlarini yozish, mavzuni o'qib, quyidagi jadvalni to'ldirib kelish:

**SWOT-tahlili:**

<b>S – kuchli tomonlari</b>	<b>W – zaif tomonlari</b>
<b>O – imkoniyatlari</b>	<b>T – xavflar</b>

**O'quvchilarni baholash va darsni yakunlash:** o'quvchilar darsdagi ishtiroki va yig'gan kartochkalariga qarab o'qituvchi tomonidan baholanadi. So'ngra o'qituvchi o'quvchilarda mavzu yuzasidan savollari bor-yo'qligini so'raydi va dars yakunlanganini e'lon qiladi.

**Dars slaydlari**



**ОКЕАНИЯ -**

□ Tinch okeanning bepoyon suvli maydonlarida sochilib yotgan orollar dunyosi.

Okeaniya hududi tabiiy geografik va tarixiy-milliy farqlariga asoslanib, uchta qismga, ya'ni to'plam orollariga bo'linadi.

- 1. **Melaneziya** (yunoncha, melos — qora, nesos — orol, ya'ni qora orollar).
- 2. **Mikroneziya** (yunoncha, kichik orollar).
- 3. **Polineziya** (yunoncha, ko'p orollar).

## Okeaniyadagi atoll



“Toifalash jadvali”

“Tinch okean” jadvali

Asosiy xususiyatlari	Geografik o'rni, maydoni va chegaralari	Okeanni o'rgangan sayyohlar (kamida 3 ta yozing)	Okean tubining asosiy relyef shakllari	Iqlimi	Suvining sho'rliigi	Asosiy dengizlari (kamida 5 ta yozing)	Asosiy oqimlari (kamida 3 ta yozing)


## O'rganilish tarixi

- Okeaniya to'g'risidagi ma'lumotlar yevropaliklarga Fernan Magellan sayohatidan (1521- y.) keyin ma'lum bo'lgan.



## O'rganilish tarixi

- Jeyms Kuk (1771 – 1773- y.) ko'plab orollarni xaritaga tushirib tavsif bergan.



## Mikluxo-Maklay

- M. N. Mikluxo-Maklay Yangi Gvineyada papuaslar bilan birga 12 yil yashab (1871 – 1882- y.), ularning yashash tarzi haqida bebaho ma'lumotlarni yozib qoldirgan.



## *SWOT-tahlili:*

<b>S – kuchli tomonlari</b>	<b>W – zaif tomonlari</b>
<b>O – imkoniyatlari</b>	<b>T – xavflar</b>

Sinf: 5

Fan: *Geografiya*

Mavzuning texnologik xaritasi va o'tkazilish ishlanmasi

Mavzu:	Daryolar
<b>Maqsad va vazifalar</b>	<p>O'quvchilarga daryolar va ularning qismlari tarkibi, turlari, to'yinishi, rejimi haqida bilim berish; tog' va tekislik daryolarining o'ziga xos xususiyatlarini ochib berish; ularga tabiiy geografik xaritalardan daryolarni topishni o'rgatish va sayyoramizdagi yirik daryolarni nomlarini aytib xaritadan topa olishni, daryolarga reja asosida ta'rif yozish ko'nikmasini shakllantirish.</p> <p>O'quvchilarda mustaqil fikr yuritishni, olgan bilimlarini hayot bilan bog'lay olishni, ilmiy dunyoqarashlarni shakllantirish, Tabiatga mehr va muhabbat uyg'otish asosida ekologik tushunchalarni kengaytirish orqali <i>ularda fanga oid tabiiy jarayon va hodisalarni kuzatish, tushinish va tushuntirish, geografik atlas va xaritalardan foydalana olish; ekologik madaniyat; geografik bilimlarni amaliyotda qo'llay olish kompetentsiyalarini shakllantirish.</i></p>
<b>O'quv materiali mazmuni</b>	<p>O'quvchilar mavzuning mohiyatini tushinib yetishlari bunda daryolarning hosil bo'lishi, daryo sistemasi, vodiysi va uning elementlari. Ularning to'yinishi manbai va mansabi. Ostona va sharsharalarning paydo bo'lishi, daryo havzasi chegaralari. Daryolaning oqim yo'nalishi va reliefnining bog'liqlik qonuniyatlari. Daryolarning xalq xo'jalikdagi ahamiyati va ularni suvini muhofaza qilish.</p>
<b>O'quv jarayonini tashkil etish texnologiyasi</b>	<p><b>Shakl:</b> interfaol mashg'ulot: suhbat-ma'ruza, yakka tartibda, kichik guruh, jamoa bo'lib ishlash.</p> <p><b>Metod:</b> "Aqliy hujum", og'zaki bayon, "Blis so'rov" elementi, savol- javob, grafik test.</p> <p><b>Vosita:</b> Darslik, mavzu bo'yicha slaydlar, globus, mavzuga oid jadvallar, daryolar aks etgan rangli rasmlar, 5-sinf o'quv atlas va yozuvsiz xarita, tarqatma materiallar, Dunyoning yarimsharlar tabiiy xaritasi, O'zbekiston tabiiy xaritasi.</p> <p><b>Usul:</b> slayd, grafik test.</p> <p><b>Nazorat:</b> kuzatish, nazorat savollari, nazorat testlari.</p> <p><b>Baholash:</b> rag'batlantirish, 5 ballik tizim asosida.</p>
	<p><b>O'qituvchi:</b> Mavzu asosida to'laqonli ma'lumot berib, o'quvchilar bilimini oshiradi. Mashg'ulotda qo'llanilgan turli</p>

<p><b>Kutiladigan natijalar</b></p>	<p>metodlar, mustaqil ish bo'yicha tarqatma materiallar asosida mavzu bo'yicha o'quvchilarning bilim, ko'nikma, malakalarini oshiradi.</p> <p><b>O'quvchi:</b> Mavzu bo'yicha yangi bilimlar egallanadi. Guruhlar bilan ishlashni o'rganadilar, eslab qolish, ayta olish, ko'rsata olish ko'nikma va malakalarga ega bo'ladilar. Yozuvsiz xaritada daryo va uning elementlarini tasvirlay oladi. Daryoga reja asosida tavsif yoza oladi. Shu bilan bilan birga <i>ularda o'z fikrini og'zaki va yozma tarzda aniq va tushunarli bayon qila olish, o'zaro muloqotda muomala madaniyatiga amal qilish, jamoaviy hamkorlikda ishlay olish; muloqotda suhbatdosh fikrini hurmat qilgan holda o'z pozitsiyasini himoya qila bilish, uni ishontira bilish bilan kommunikativ kompetentsiya shakllantiriladi.</i></p>
<p><b>Kelgusi rejalar</b></p>	<p><b>O'qituvchi:</b> Yangi pedagogik texnologilarni o'zlashtiradi va darsda tatbiq etib, takomillashtirishga erishadi. O'z ustida ishlaydi. Mavzuni hayotiy voqyalar bilan bog'laydi va solishtiradi.</p> <p><b>O'quvchi:</b> Mavzu yuzasidan berilgan topshiriq ustida mustaqil ishashni o'rganadi. O'z fikrini ravon bayon eta oladi. Yangi mavzuga oid qo'shimcha materiallar topishga harakat qiladi.</p>

### Dars bosqichlari.

<b>Bosqichlar</b>	<b>Mazmuni</b>	<b>Metodlar</b>	<b>Vahti</b>
1-bosqich Tashkiliy qism	Salomlashuv. Mashg'ulotning borishi haqida tushuncha berish.	og'zaki muloqot	3 daqiqa
2-bosqich Motivatsiya	Nazorat bosqichi <b>“BLIS” so'rov</b> orqali sinf o'quvchilarini to'liq nazorat qilishdan iboratdir. <b>“BLIS” so'rov</b> o'tkazishda uning “ha-yo'q”elementidan foydalanish yaxshi samara beradi.	<b>“BLIS” so'rov topshiriqlari</b> Shakli: “ha-yo'q”	8 daqiqa
3-bosqich Mavzu va topshiriqlar bayoni	O'qituvchining “Daryolar” mavzusi mazmuni to'g'risidagi suhbat-ma'ruzasi (slydlar hamda savollar asosida) – jamoaviy ish va guruhlardagi mustaqil ish Asosiy bosqich:	og'zaki bayon, tushuntirish, savol-javob	20 daqiqa

	a) "Aqliy hujum" metodi yordamida o'quvchilarning daryolar haqidagi bilimlari aniqlab olinadi. b) yangi mavzu bayoni - daryo elementlarini ko'rgazmali usulda muammoli bayon etish o'quvchi bilimlarini to'ldirish.		
4-bosqich Mustahkamlash	Grafik usulda test topshirig'i. Daryoning elementlari rasmlardagi qaysi harflarga mos kelishini aniqlash.	Grafik usulida test topshirig'i.	12 daqiqa
5-bosqich Dars yakuni va mustaqil ish uchun topshiriq	<b>Uy vazifasini bajarish uchun tavsiyalar</b>		2 daqiqa

### Darsning borishi

**Atama va tushunchalar:** daryo, daryo havzasi, suv ayirg'ich, daryolar manbai, mansabi, tog'daryolari, tekislik daryolari, daryo vodiysi, daryo o'zani, irmoq, daryo sistemasi, sharshara, ostona, daryolar to'yinishi, daryolar rejimi, suv sarfi, suv sathi, daryolar suvini muhofaza qilish.

**Geografik obektlar:**

*Daryolar:* Nil, Amazonka, Kongo, Missisipi, Gang, Volga, Dnepr, Ob, Lena, Yantszi, Xuanxe, Amudaryo, Sirdaryo. *Sharsharalar:* Anxel, Niagara, Viktoriya.

### O'quvchilar egallash lozim bo'lgan BKM elementlari

**Bilimlar:**

- Daryo va uning qismlari haqida bilish;
- Daryo sistemasi haqida bilish;
- Daryo vodiysi va uning elementlari bilish;
- Sharsharalar haqida bilish;
- Daryolarning to'yinishi manbai va mansabi qaerdaligini bilish.

***Ko'nikma va malakalar:***

- Daryo sistemasi va uning elementlarini aniqlash;
- Daryo havzasi chegaralarini aniqlashi;
- Oqim yo'nalishi va relyefning bog'liqlik qonuniyatlarini aytishi;
- Xaritada daryo va uning elementlarini ko'rsatishi;



- Yozuvsiz xaritada daryo va uning elementlarini tasvirlashi;
- Daryoga reja asosida tavsif yoza olishi.

### **Tashkiliy qism.**

Dars avvalida salomlashib, o'quvchilar davomati aniqlanadi. O'quvchilar bugungi kun ob-havosi va atrof-muhitdagi tabiiy o'zgarishlarga sharh beradilar. O'quvchilarning darsga tayyorgarligi nazorat qilinadi.

**Guruhlash.** O'quvchilar qatorlar orqali uch guruhga bo'linadi: "Amudaryo", "Orol", "Sirdaryo" guruhlari.

**“BLIS” so'rov orqali oldingi darsda o'tilgan mavzu yuzasidan sinf o'quvchilarning bilimini tekshirish.**

**“BLIS” so'rov topshiriqlarining o'ziga xos xususiyatlari:**

- *Qisqa vaqtda nazoratni amalga oshirish*
- *Barcha o'quvchilarni qamrab olish*
- *Nazorat materiallari tuzishning soddaligi*
- *Natijalarni tekshirib chiqish qisqa vaqtni talab etishi*
- *Vaqtning qat'iy belgilanganligi nazorat natijalarini realligini ta'minlaydi*

**“BLIS” so'rov topshiriqlari:**

**Shakli:** “ha-yo'q”.

1. Granit va qumtosh suvni yaxshi o'tkazmaydi
2. Artezian suvlari bosimli bo'ladi
3. Grunt suvlarining sathi bahorda yuqori bo'ladi
4. Tabiiy buloqlarning ko'pchiligi grunt suvlaridan paydo bo'ladi
5. Artezian quduqlaridan suv otilib chiqadi
6. Yirik qum suvni yaxshi o'tkazmaydi

7. Yer osti suvlari cho'llarda mavjud emas
8. Shag'al va qum qatlamlari orasida yer osti suvlari to'planishi mumkin
9. Yer osti suvlari doimo chuchuk bo'ladi
10. Tog' jinslari qancha g'ovak bo'lsa suvni shuncha sekin o'tkazadi.

**So'rovni o'tkazish tartibi:**

**1. Har bir o'quvchi uchun individual nazorat topshiriqlari beriladi.**

**2. "BLIS" so'rov topshiriqlari uchun javob varaqasi:**

**Topshiriqni bajarish tartibi:**

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>

O'zingiz to'g'ri deb hisoblagan to'g'ri javoblarni X belgisi bilan, noto'g'ri deb hisoblagan javoblaringizni O belgisi bilan belgilang.

**3. O'quvchi quyidagi shaklda javoblarni belgilaydi:**

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>
<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>O</b>	<b>O</b>	<b>O</b>	<b>O</b>	<b>O</b>

**4. Nazorat uchun belgilangan vaqt tugagach o'qituvchi o'quvchilarning javob varaqalarini tekshirib chiqadi va baholaydi.**

**Baholash mezonlari:**

- **9-10 ta to'g'ri javob uchun "5" ball**
- **7-8 ta to'g'ri javob uchun "4" ball**
- **5-6 ta to'g'ri javob uchun "3" ball**

Yangi mavzu bayonidan oldin **“Aqliy hujum”** metodi yordamida o‘quvchilarning daryolar haqidagi bilimlari aniqlab olinadi.

### **“Aqliy hujum” metodi**

- Bevosita jamoa bo‘lib “fikrlar hujumi”ni olib borish. Bu uslubdan maqsad-mumkin qadar katta miqdordagi g‘oyalarni yig‘ilish, talaba (yoki o‘quvchi)larni ayni bir xil fikrlashdan holi qilish, ijodiy vazifalarni yechish jarayonida dastlab paydo bo‘lgan fikrlarni yengishdir.
- **“AQLIY HUJUM”** metodi- biror muammo bo‘yicha o‘quvchilar tomonidan bildirilgan erkin fikr va mulohazalarni to‘plab, ular orqali ma’lum bir yechimga kelinadigan metoddir

- **«AQLIY HUJUM»  
metodining tuzilmasi**

- Muammoli savol beriladi
- Fikr va g‘oyalar bildiriladi va jamlab boriladi
- Fikr va g‘oyalar guruhlanadi
- Aniq va to‘g‘ri javoblar tanlab olinadi

1. Daryo nima?
2. Kim daryoni ko‘rgan?
3. Respublikamiz hududida oqadigan daryolardan 4 tasini nomini ayting.
4. Siz yashaydigan joyda daryo oqib o‘tadimi? Daryoning nomini ayting.

### **Yangi mavzuning bayoni**

#### **Reja:**

1. Daryo va uning elementlari.
2. Daryo havzasi va suvayirg‘ich.
3. Tog‘ va tekislik daryolari.
4. Daryolarning suv rejimi.
5. Daryolardan xo‘jalikda foydalanish.

O‘zan deb ataluvchi chuqurlikda oqayotgan suv oqimi **daryo** deb ataladi. Odatda daryolar doim oqib turadi. Lekin iqlimi quruq o‘lkalarda issiq, yog‘in kam vaqtlarda goho qurib qoladigan daryolar ham bor. Ularni **vaqtincha qurib qoladigan daryolar** deyiladi.

Har bir daryoning boshi va quyilar joyi bo‘ladi. Daryo boshlanadigan joy uning **manbai** deb ataladi.

Sirdaryo va Amudaryo baland tog‘lardagi qor va muzliklardan boshlanadi. Volga daryosi tekislikda, ko‘ldan boshlanadi. Daryolar qaerdan boshlanmasin, ularning irmoqlari bo‘lsa, katta sersuv daryolarga aylanadi. **Irmoqlar** deb daryoga yon tomondan kelib quyiladigan kichikroq daryolarga aytiladi. Ko‘pchilik daryolar okean, dengiz, ko‘l yoki boshqa daryolarga kelib quyiladi.

Daryoning okean, dengiz, ko‘l yoki boshqa daryoga quyiladigan joyi **daryoning mansabi** deyiladi (O‘rta Osiyoning tabiiy xaritasidan Sirdaryoning manbaini, mansabini, Chirchiq va Qoradaryo irmoqlarini toping).

Bosh daryo o‘zining barcha irmoqlari bilan birga **daryo sistemasini** hosil qiladi.

**Daryo havzasi va suvayirg‘ich.** Yerga shimilishga ulgurmagan va bug‘lanib ketmagan hamma suv daryolarga oqib tushadi. Barcha suvi bir daryoga oqib tushadigan quruqlik maydoni **daryo havzasi** deb ataladi

Amazonka sayyoramizning eng yirik daryosi Uning uzunligi - (Ukayali daryosi bilan) 6400 km ni tashkil qiladi.



Hamma daryolarning, hatto eng kichik daryolarning ham o‘z havzasi bo‘ladi. Amazonka havzasi dunyoda eng katta daryo bo‘lib, uning maydoni 7 mln km<sup>2</sup> dan iborat.

Qo'shni daryolar havzalarini bir-biridan ajratib turadigan chegara **suvayirg'ich** deyiladi. Suvayirg'ichlar tog'larning qirralariga, tekisliklarda esa balandroq joylarga to'g'ri keladi.

**Tog' va tekislik daryolari.** Tog' daryolari tekislik daryolariga qaraganda juda tez oqadi. Vodiylari tor va chuqur bo'ladi. Ko'p daryolar tog'lardan boshlanib, tekislikka oqib chiqadi va tekislik daryosiga aylanadi. Bunday daryolarga Sirdaryo, Amudaryo va Zarafshon daryolarini misol qilib ko'rsatish mumkin. Sirdaryo Tiyanshan tog'larida 6000 m balandlikdan boshlanadi. Tog'lar orasidagi chuqur daralarda hayqirib oqadi. Tekislikka chiqqanidan keyin keng o'zanda yoyilib, sekin oqadi. Daryolar tog'larda yemirib oqizib kelgan tog' jinslari tekislikda cho'kib, cho'kindi jinslarni hosil qiladi. Daryolar suvidan cho'kindi jinslarning cho'kish qonuniyatini birinchi bo'lib Abu Rayhon Beruniy aniqlagan.

Daryolar suvi baland joylardan otilib tushib, **sharsharalar** hosil qiladi. Dunyodagi eng baland sharshara Janubiy Amerikada, Churun daryosidagi Anxel sharsharasi. Uning balandligi 1054 m. Lekin suvi ko'p emas. Eng sersuv sharsharalardan biri Shimoliy Amerikadagi Niagara sharsharasidir. Bu sharshara 51 m balandlikdan otilib tushadi. Yana bir katta sharshara Afrikadagi Viktoriya sharsharasi Unda suv 120 m balanddan otilib tushadi (Nomlari aytilgan sharsharalarni Yarim-sharlar xaritasidan toping).

**Daryolarga suv qaerdan keladi?** Daryolar yomg'ir, qor, muz suvlari, buloqlar suvlaridan to'yinadi. Baland tog'lardan boshlanadigan daryolar tog'lardagi muzliklar suvi bilan to'yinadi. Ular yozda sersuv bo'ladi (Nega?). Amudaryo bilan Zarafshon daryosi ana shunday daryolar hisoblanadi. Ba'zi daryolarga yomg'ir suvi ham, qor suvi ham, yer osti suvlari ham tushadi. SHunday daryolarni **aralash to'yinuvchi daryolar** deyiladi. Sirdaryo shunday daryolar sirasiga kiradi.

Daryolar qadim zamonlardan kishilarni chuchuk suv bilan ta'minlaydigan asosiy manba bo'lib kelgan. Suvdan yaxshiroq foydalanish uchun daryolarga suv omborlari quriladi, kanal va ariqlar qazib quruq yerlarga suv chiqariladi.


Suvni iflos qilmasdan, tejab-tergab foydalanish har birimizning muqaddas burchimiz hisoblanadi. Buni aslo unutmaylik.

Yangi mavzuni mustahkamlash uchun topshiriqlar.


### **Grafik test.**

Grafik usulda test topshirig'ida o'quvchilar daryoning elementlari rasmlardagi qaysi harflarga mos kelishini topadilar. (1, 2- rasm)

Daryoning elementlari rasmlardagi qaysi harflarga mos kelishini aniqlang.



2-rasm Daryo vodiysining kesimi



1-rasm Daryo sistemasi

- |                            |                           |
|----------------------------|---------------------------|
| 1. daryoning manbai        | 2. daryoning mansabi      |
| 3. daryoning o'ng irmog'i  | 4. daryoning o'zani       |
| 5. daryoning qayiri        | 6. daryoning chap irmog'i |
| 7. daryoning vodiysi       | 8. daryoning havzasi      |
| 9. daryoning suvayirg'ichi | 10. daryo terassasi       |

**Mavzuni mustahkamlash va topshiriqni bajarish uchun tavsiyalar.**

**Topshiriqlarning o'ziga xos xususiyatlari:**

- Qisqa vaqtda mustahkamlash nazoratini amalga oshirish.
- Barcha o'quvchilarning BKM elementlarini qanday darajada egallab olganligini nazorat qila olish.
- O'quvchilarda geografik ob'ekt to'g'risida tasavvurlarning shakllanishiga yordam beradi.
- Nazorat usulining soddaligi.
- Natijalarni tekshirib chiqish qisqa vaqtni talab etishi.

**Topshiriqni bajarish tartibi:**

1. Topshiriq doskada yoki slayd yordamida o'quvchilarga taqdim etiladi.
2. O'quvchi quyidagi shaklda javoblarni belgilaydi:

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>
<b>a</b>	<b>b</b>	<b>c</b>	<b>h</b>	<b>k</b>	<b>d</b>	<b>m</b>	<b>j</b>	<b>e</b>	<b>l</b>

3. *Nazorat uchun belgilangan vaqt tugagach o'qituvchi o'quvchilarning javob varaqalarini tekshirib chiqadi va BKM elementlarini qanday darajada egallab olganligini aniqlaydi*

### **Uy vazifa uchun topshiriqlar**

1. Daryo tushunchasining eng muhim belgilarini ayting.
2. Daryo sistemasi, boshlanish joyi, quyilishi joyi, daryo havzasi, suv ayirg'ich, daryo o'zani deb nimaga aytiladi? Ularni daftaringizga chizmada aks ettiring.
3. Daryolardan biriga quyidagi reja asosida ta'rif bering.

### **Savollar**

- 1). Daryo nomi?
- 2). Qaysi materikda va uning qaysi qismida joylashgan?
- 3). Qaerdan boshlanadi?
- 4). Qaerga quyiladi?
- 5). Qaysi okean yoki dengiz havzasiga tegishli?
- 6). Xo'jalikdagi ahamiyati.

Uy vazifasini bajarish uchun tavsiyalar

Uy vazifasi uchun berilgan topshiriq murakkab topshiriqlardan sanaladi. U bir vaqtning o'zida barcha BKM elementlarini qamrab oladi, shu sababli uy vazifasining o'quvchilar tomonidan bajarilishiga o'qituvchi alohida e'tibor berishi lozim.

### **O'quvchilarga uy vazifasini berishda quyidagilarni hisobga oling:**

- Reja asosida ta'rif berish uchun ma'lumotlarni topish oson bo'lgan daryolarni tanlang. Eng yaxshisi, agar mavjud bo'lsa o'zingiz yashaydigan joydagi daryoni tanlash yaxshi samara beradi.
- O'quvchilarga topshiriqni bajarish tartibini mukammal tushuntirib bering.
- O'quvchilarga uy vazifasini bajarishda zarur bo'ladigan qo'shimcha manbalar topishda yordam bering.

### **Darsni yakunlash:**

Darsga yakun yasash, baholarni e'lon qilish.

**Sinf:** IX

**Fan:** Geografiya

**Dars mavzusi:** Mamlakatlarning boshqaruv shakli va davlat tuzilishi

**Dars maqsadi.**

**Ta'limiy maqsad:** O'quvchilarda yangi atama va tushunchalarni shakllantirish, ularda davlatlarning boshqaruv shakllarini, turlarini tushunish, tushuntira olish, bu guruhlariga kiradigan davlatlarni ajrata olish va xaritalardan ko'rsata olish, bir-biri bilan solishtirib, tahlil qila olish ko'nikmalarini, davlatlarni, ularning poytaxtlarini nomlarini to'g'ri ayta olish, xaritaga joylashtira olish, atlas, xaritalar bilan ishlay olish ko'nikmalarini rivojlantirish;

**Tarbiyaviy maqsad:** O'quvchilarda guruhda ishlash orqali hozirjavoblik, o'zaro hurmat va Vatanga milliy qadriyatlarga sadoqat, voqea va hodisalarga o'z munosabatini bildirish va o'z pozitsiyasiga ega bo'lish kabi faol fuqarolik jihatlarni shakllantirish;

**Rivojlantiruvchi maqsad:** Jamoada ishlay olish, o'z fikrini yozma va og'zaki, aniq, erkin ayta olish, o'z g'alar fikrini eshitish, faollik, mas'uliyatlilik, hozirjavoblik jihatlarni rivojlantirish.

**Dars jihozi:** Dunyoning siyosiy xaritasi, globus, turli davlatlar rahbarlari rasmlari, didaktik materiallar.

**Dars texnik jihozi:** Kompyuter, multimediya, ekran, slayd, film.

**Dars tipi:** Aralash.

**Dars turi:** Interfaol.

**Dars o'tish metodi va usullari:** Tushunchalar tahlili, Aqliy hujum, guruhlarda ishlash, loyiha texnologiyasi, atamalar bilan ishlash, matn yaratish, xarita bilan ishlash, Easy Quizzy dasturida tuzilgan test bilan ishlash, muammoli vaziyat, raqamlarni gapirtirish mashqi.

**Darsning blok-sxemasi:**

<b>T/r</b>	<b>Darsning bosqichlari</b>	<b>Vaqt</b>
<b>1</b>	<b>Tashkiliy qism.</b> O'qituvchining kirish so'zi. (Davomat aniqlash, guruhlash, ma'naviyat daqiqasini o'tkazish, kun yangiligi).	<b>3 daqiqa</b>
<b>2</b>	<b>Guruhlariga topshiriq berish orqali o'tilgan mavzuni so'rash:</b> 1. Xatosini topish mashqi 2. Muammoli vaziyat topshirig'i 3. Jadval bilan ishlash	<b>12 daqiqa</b> 3 daqiqa 4 daqiqa 5 daqiqa
<b>3</b>	<b>Yangi mavzu bayoni (Slayd va film asosida)</b>	<b>10 daqiqa</b>
<b>4</b>	<b>Guruhlarda ishlash va mavzuni mustahkamlash:</b> 1. Easy Quizzy dasturida tuzilgan test bilan ishlash	<b>16 daqiqa</b> 4 daqiqa



	2. Raqamlarni gapirtiring 3. Loyiha yaratish.	4 daqiqa 8 daqiqa
<b>5</b>	<b>Darsni yakunlash</b> G`olib guruhni aniqlash va o`quvchilarni baholash Uyga vazifa	<b>4 daqiqa</b> 2 daqiqa 2 daqiqa

### Darsning borishi:

Dars shiori bilan tanishtirish.

**“Ajdodlarga munosib avlod bo`lamiz”**

### Tashkiliy qism:

Salomlashish, mustaqillik bayrami, Vatan, Samarqand haqida fikr bildirish. Sana bilan bog`liq yangilik aytish. Davomatni aniqlash. Kun yangiligi bilan tanishish.

O`quvchilar yangilik aytadilar, qaysi davlatda ekanligini samokley qog`ozga yozib, doskaga chiqib Dunyoning siyosiy xartitasiga yopishtirib qo`yadilar.

Darsni maqsadi va tartibi bilan tanishtirish. Dars noan'anaviy tarzda hayoliy sayohat tarzida tashkil etiladi.

5 ball- Oltin tanga	“4” ball- Kumush tanga	“3” ball- Mis tanga	“1”ball- bonus
			

### Baholash:

Guruhlar to`plagan ballariga qarab turli transport turlarida sayohat qilish uchun chiptalarni qo`lga kiritadilar.

#### Samolyot uchun chipta:



#### Poyezd uchun chipta:



#### Kema uchun chipta:



Chiptalarda hayotiy savollar berilgan, agar to'liq javob bersalar "Xalq banking 1000000 li vaucheri" va eng faol guruhlarga, o'quvchilarga dars so'nggida kitob sovg'a qilinadi.



**Guruhlash: (O'quvchilar emblemalar orqali 3 guruhga bo'linib o'tirganlar)**

**I guruh - Aholishunoslar guruhi.**

**II guruh - Sayyohlar guruhi.**

**III guruh - Tadbirkorlar guruhi.**

**Dars shiori: Ajdodlarga munosib avlod bo'lamiz.**

O'quvchilarga ishchi daftar tarqatiladi.

**1-topshiriq. Guruh uchun - "Xatosini topish" mashqi:** Quyida berilgan ma'lumotlardan shunday mezonlarni aniqlangki, bu mezonlarsiz ham davlatlar rivojlangan davlatlar guruhiga kira olsin.



## 2-topshiriq:

**Muammoli vaziyat:** 2 daqiqa ichida matnni o`qib, har bir guruhdan 1 o`quvchi javob berish uchun doska yoniga chiqadi.

### I guruh - Aholishunoslar guruhiga:

Xitoy Xalq Respublikasi Osiyo qit'asining sharqida joylashgan yirik davlatlardan biri. Uning maydoni 9599 ming km kv, aholi soni va yalpi ichki mahsulot hajmi bo'yicha jahonda 1-o`rinda turadi. Ammo Xitoy rivojlangan davlatlar guruhiga kirmaydi. Nima uchun Xitoy rivojlangan davlatlar guruhiga kirmaydi? U rivojlanishiga ko`ra qaysi davlatlar guruhiga kiradi?

### II guruh - Sayyohlar guruhiga:

Saudiya Arabistoni Osiyo qit'asining janubi-g`arbida joylashgan yirik davlatlardan biri. Uning maydoni 2150 ming km kv, neft qazib olish bo'yicha jahonda 1-o`rinda turadi. Ammo Saudiya Arabistoni rivojlangan davlatlar guruhiga kirmaydi. Nima uchun Saudiya Arabistoni rivojlangan davlatlar guruhiga kirmaydi? U rivojlanishiga ko`ra qaysi davlatlar guruhiga kiradi?

### III guruh - Tadbirkorlar guruhiga:

Yaponiya davlati Osiyo qit'asining sharqida joylashgan rivojlangan davlatlardan biri. Uning maydoni 377,9 ming km kv, U hech qanday tabiiy resurslar bilan yaxshi ta'minlanmagan. Ammo Yaponiya rivojlangan davlatlar guruhiga kiradi. Nima uchun? U rivojlangan davlatlar ichida qaysi davlatlar guruhiga kiradi?

## 3-topshiriq-individual topshiriq. (Ish daftariga bajariladi)

### Mos davlatlarni yozing. Davlatlar:

AQSH, Xitoy, Braziliya, Saudiya Arabistoni, Birlashgan Arab Amirliklari, Yaponiya, Hindiston, Quvayt. Kanada.

I guruh - Aholishunoslar guruhiga:

No	Katta yettilik davlatlari nomi
1	
2	
3	

II guruh - Sayyohlar guruhiga:

No	Neft eksport qiluvchi mamlakatlar nomi
1	
2	
3	

III guruh - Tadbirkorlar guruhiga:

No	Tayanch rivojlanayotgan davlatlar nomi
1	
2	
3	

Yangi mavzu bayoni:

Mavzu rejasi:

1. Davlatlarning boshqaruv shakllari.
2. Davlatlarni ma'muriy-hududiy jihatdan tuzilishi.
3. Yangi atamalar bilan ishlash.


Mavzuda uchraydigan yangi atamalar:

- 1) Boshqaruv shakli
  - 2) Prezidentlik respublikasi
  - 3) Parlamentar respublika
  - 4) Monarxiya
  - 5) Mutloq monarxiya
  - 6) Konstitutsion monarxiya
  - 7) Mutloq teokratik monarxiya
  - 8) Hamdo'stlik qirolligi
  - 9) Davlat tuzilishi
  - 10) Unitar davlat
  - 11) Federativ davlat
4. Asosiy raqamli ma'lumotlar.
- 150 ta - Respublika  
44 ta - Monarxiya  
39 ta - Konstitutsion monarxiya  
5 ta - Mutloq monarxiya  
5 tadan-2 ta Teokratik monarxiya  
5 tadan-4 tasi- Osiyoda  
5 tadan-1 tasi Yevropada  
166 ta- Unitar Respublikalar  
28 ta- Federativ Respublikalar

Yangi mavzuga kirish savoli: (Xalqaro baholash tizimi topshiriqlari asosida)

-Quyidagi rasmlarga qarang.

Ulardagi umumiy bo'lgan sifatlarni va farq qiluvchi sifatlarni ayting.



Bu rasmlardagi umumiylik: Bu rasmlarning barchasida davlat boshliqlari tasvirlangan, lekin biri prezident, biri qirol. Demak davlatlar boshqaruv shakliga

ko`ra, ya'ni davlatni aynan kim boshqarishiga ko`ra bir-biridan farq qiluvchi quyidagi turlarga bo`linadi:

Davlatlarning boshqaruv shakliga ko`ra turlari Respublika va Monarxiya davlatlari. Respublika bu - davlatning shunday boshqaruv shakli-ki, bunda barcha davlat boshqaruv organlari saylov yo`li bilan ma'lum vaqtga saylanadi, yoki parlament tomonidan tayinlanadi. Fuqarolar esa shaxsiy va siyosiy huquqlarga ega bo`ladilar. Respublikalar ham bir-biridan keskin farq qiladilar. Masalan, ba'zi respublikalarda hukumatning asosiy vakolatlari prezidentga tegishli bo`ladi va hukumat tarkibi prezident tomonidan shakllantiriladi. Bunday respublikalar prezidentlik respublikalari deyiladi.

Masalan: AQSH, O`zbekiston, Qozog`iston va boshqalar.

Ba'zi respublikalarda hukumat tarkibi parlament saylovlari natijasida siyosiy partiyalar tomonidan shakllantiriladi. Bunday davlatlar parlamentar davlatlar deyiladi. Ular Germaniya, Hindiston, Avstriya va boshqalar.

Ayrim davlarda esa prezident va parlament birgalikda hukumat tarkibini shakllantiradi va nazorat qiladi Bunday davlatlar- aralash respublikalar deyiladi.


### **Atamalar bilan ishlash:**

- 1) Prezidentlik Respublikasi
- 2) Parlamentar Respublika
- 3) Aralash Respublika
- 4) Monarxiya
- 5) Mutloq monarxiya
- 6) Konstitutsion monarxiya
- 7) Mutloq teokratik monarxiya
- 8) Hamdo`stlik qirolligi
- 9) Unitar davlat
- 10) Federativ davlat

### **Yangi mavzuni mustahkamlash:**

#### **4-topshiriq.**

Easy Quizzy dasturida tuzilgan test bilan ishlash:



### 5-topshiriq. Individual topshiriq. Raqamlarni gapirtiring.

<b>№</b>	<b>Raqamlar</b>	<b>Nimani bildiradi</b>
1.	150 ta	
2.	39	
3.	5 ta	
4.	166 ta	
5.	28 ta	

### To`g`ri javoblar:

<b>№</b>	<b>Raqamlar</b>	<b>Mos javoblar</b>
1.	150 ta	Respublikalar
2.	39 ta	Konstitutsion monarxiya
3.	5 ta	Mutloq monarxiya
4.	166 ta	Unitar
5.	28 ta	Federativ

### 6-topshiriq. Guruh uchun topshiriq. Chet elga sayohat.

O`quvchilarga sayohat uchun 3 xil davlatga chipta beriladi. Ular chiptadagi savollar asosida shu davlatda "tadqiqot" olib boradilar, loyiha tayyorlaydilar va taqdimot qiladilar.

1-guruhga. Sizning safaringiz AQSH poytaxtiga mo`ljallangan.

2-guruh. Sizning safaringiz Xitoy poytaxtiga mo`ljallangan.

3-guruh. Sizning safaringiz Yaponiya poytaxtiga mo`ljallangan.

#### Loyiha uchun savollar:

1. Davlat nomi va poytaxti

2. Rivojlanishiga ko`ra qanday davlat guruhiga mansub.

3. Boshqaruv shakli.

4. Ma`muriy-hududiy shakli.

5. Davlat O`zbekistonga nisbatan ufqning qaysi tomonida joylashgan?

6. Bu davlatga qanday transport turida borish mumkin?

7. O`zbekistondan bu davlatning poytaxtigacha necha km ekanligini toping.

8. Berilgan davlatni nomini va poytaxtini yozuvsiz xaritaga tushiring.

#### Darsni yakunlash:


Guruhlar ballarini umumlashirish. O`quvchilarni baholash. Rag`batlantirish.

**Uyga vazifa:**

Darslikda berilgan mavzu yuzasidan berilgan savol va topshiriqlarni bajarish.

Iinternetdan [www.geografiya.uz](http://www.geografiya.uz) saytidan monarxiya, respublika, unitar, federativ davlatlar haqida ma'lumotlar yig`ish, tahlil qilish. Ish daftarda berilgan atamalarga ta'rif yozish.

[www.geografiya.uz](http://www.geografiya.uz) saytini davlatlar bo`limiga kirish tartibi.



**Fan: Geografiya**

**Sinf: VIII**

**Mavzu: Quruqlik transporti**

**Darsning maqsadi:**

**Ta'limiy maqsad:** O`quvchilarning transport haqidagi bilimlarini boyitishda davom etib, quruqlik transporti haqida nazariy bilim berish.

**Tarbiyaviy maqsad:** O`quvchilarda estetik did, axloqiy sifatlarni shakllantirish, kasb – hunarga yo`naltirish.

**Rivojlantiruvchi maqsad:** O`quvchilarning fikrlash qobiliyati va tasavvurini kengaytirish, og`zaki nutqini rivojlantirish.

**Shakllantiriladigan kompetensiyalar:**

**Tayanch kompetensiyalar:** Kommunikativ kompetensiya, axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi, o`zini o`zi rivojlantirish kompetensiyasi.

**Fanga oid kompetensiyalar:** Tabiiy, ijtimoiy-iqtisodiy jarayon hamda hodisalarni kuzatish, aniqlash, tushunish va tushuntirish kompetensiyasi; Geografik ob'ektlar, joy nomlarini to'g'ri qo'llay olish kompetensiyasi; Globus, geografik atlas va xaritalardan amaliyotda foydalana olish kompetensiyasi.

**Dars turi:** aralash

**Dars metodi:** Klaster, Diqqatni tortish, Muammoli ta'lim, Tushunchalar tahlili

**Dars jihozi:**

O`zbekiston siyosiy-ma'muriy va tabiiy xaritalari, darslik, ko`rgazma va tarqatmalar.

**Darsning texnik jixozi:**

Televizor, kompyuter, multimediya.



## Darsning blok-sxemasi:

T/r	Dars bosqichlari	Vaqt
1	<b>Tashkiliy qism.</b> 1. O`qituvchining kirish so`zi. 2 daqiqa. 2. Guruhlash. 2 daqiqa. 3. Kun yangiliklari. 2 daqiqa.	<b>6 daqiqa</b>
2	<b>Guruhlarga topshiriq berish orqali o`tilgan mavzuni so`rash:</b> 1. Klaster 2. Rasm va sonlarni joylashtirish.	<b>12 daqiqa</b> 6 daqiqa 6 daqiqa
3	<b>Yangi mavzu bayoni.</b>	<b>10 daqiqa</b>
4	<b>Guruhlarda ishlash va mavzuni mustahkamlash:</b> 1. Raqamlarni gapirtirish 2. Xarita bilan ishlash.	<b>12 daqiqa</b> 6 daqiqa 6 daqiqa
5	<b>Darsni yakunlash</b> <b>G`olib guruhni aniqlash va o`quvchilarni baholash</b> <b>Uyga vazifa</b>	<b>5 daqiqa</b> 3 daqiqa 2 daqiqa

Darsning borishi:

### **Tashkiliy qism:**

O`quvchilar bilan salomlashish, davomatni aniqlanadi.

### **Kun yangiliklari.**

Guruhlarga bo`lish:

**I guruh: Quruqlik transporti**

**II guruh: Suv transporti”**

**III guruh: Quvur transporti**

**IV guruh: Havо transporti**

**BAHOLASH:**

**“5” ball**



**“4” ball**



**“3” ball**




**Har bir shartni birinchi bo`lib bajargan guruhga kema tasviri beriladi**



**“1” ball**

**1-shart. Diqqatni tortish mashqi:**

Har bir guruhga klaster metodi orqali transport tarmoqlarini yozish topshirig`i berildi.



**O'tilgan mavzusi so'rash va baholash. O'quvchilarga muammoli ta'lim metodi bo'yicha transport turlarining qulay va noqulay tomonlari haqida fikrlash topshirig'i beriladi.**

Har bir guruh o'z nomidan kelib chiqqan holda shu transportning qulayligi va noqulayligi haqida yozishadi.

**I guruh: "Quruqlik transporti"**

<b>Qulayligi</b>	<b>Noqulayligi</b>
Avtomobil "eshikdan eshikkacha" yuk va yo'lovchini tashib beradi. Temir yo'l ko'p sarf-harajat talab qilmaydi, katta-katta yuklarni ham tashish mumkin.	Yengil avtomobillar ko'payishi yo'l harakatida tirbandlikka olib keladi.

**II guruh: "Suv transporti"**

<b>Qulayligi</b>	<b>Noqulayligi</b>
Ko'p harajat talab qilmaydi. Suv transporti uchun alohida yo'l qurilmaydi	Xavfli. Fasllar bilan bog'liq.


### III guruh: "Quvur transporti"

Qulayligi	Noqulayligi
Neft va gazlarni tashishda xavfsiz. Uzoq masofaga tashish mumkin.	Yer yuzasi relyefi bilan bog`liq. Katta mablag` talab qiladi

### IV guruh: "Havo transporti"

Qulayligi	Noqulayligi
Qisqa vaqtda uzoq masofaga yetib borilishi. Sharoti yaxshiligi	Qimmat. Xavfli.

3- shart. Transport turlarining yuk tashish hajmini topish.



### 4- shart. Atamalar.

O`zbekiston **quruqlik** (temiryo`l, avtomobil transporti), **suv** (daryo), **havo**, **quvur** (neft va tabiiy gaz tashish) va **elektron** (elektr uzatish liniyalari) **transportiga** ega.

Transportning ishi uning yuk tashish hajmiga qarab belgilanadi. Yuk tashish hajmi ma`lum vaqtda ma`lum masofaga tashilgan yuk miqdoridir. U tonna, kilometrda ifodalanadi.

O`qituvchi o`quvchilar javoblarini umumlashtiradi.

### Yangi mavzu: Quruqlik transporti

## Slayd va o`quv filmi orqali yangi mavzu o`qituvchi tomonidan tushuntiriladi.

**Temiryo`l transporti** iqlimiy sharoitlar va yil fasllari qanday bo`lishiga qaramay hamma vaqt ishlayveradi. Uning tezligi katta, yuk tashish tannarxi nisbatan past. Temiryo`l magistrallarini turli yo`nalishga qurish mumkin. Hozirgi vaqtda mamlakatimiz temiryo`llarining umumiy uzunligi 6 ming kilometrdan ortadi.

O`zbekistonda temiryo`llar qo`shni mamlakatlardagiga (Qozog`istondan tashqari) qaraganda ko`p va texnik jihatdan ulardan oldinda turadi. Mamlakatimizning deyarli barcha temiryo`llari tekisliklardan, daryo vodiylaridan o`tadi. Jizzax – Samarqand oralig`idagi temir yo`l dengiz sathidan 850 metr balandda o`tgan.

Mamlakatimizning eng yirik transport tuguni – Toshkent temiryo`l stansiyasi xalqaro ahamiyatga ega. Undan to`rt tomonga yo`llar ketgan. XX asrning 40-yillarida ko`mir koni ishga tushirish maqsadida Toshkent-Angren temiryo`li qurildi. Keyinroq Mirzacho`lni o`zlashtirish maqsadida Toshkent –Sirdaryo – Jizzax temiryoli qurildi.

O`zbekiston g`arbiy rayonlarining Rossiya, Ukraina va Belarus davlatlari bilan iqtisodiy hamda madaniy aloqalarni yanada rivojlantirishni ko`zlab, Qo`ng`irot – Beynov (410 km) temiryo`li qurildi. Bu yo`l Qoraqalpog`iston respublikasi, Xorazm, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarini hamda Tojikiston, Turkmaniston Respublikalarini Qozog`iston orqali Rossiya bilan bog`ladi.

Temiryo`llarning elektrlashtirilishi va elektrovozlarning ishlatilishi bilan poyezdlarning qatnov tezligi **yo`llarnig o`tkazilish imkoniyati**, demakki ish unumi ortdi.


Temiryo`llarning jahon talablari darajasida texnik jixozlanishi tufayli Toshkent –



Samarqand yo`nalishida yo`lovchilar tashishga mo`ljallangan zamonaviy tezyurar "Afrosiyob" elektropoezdlar qatnovi yo`lga qo`yildi. O`rta Osiyoda birinchi bor

bunyod etilgan tezyurar temiryo`lni foydalanishga topshirilishi natijasida turizm rivojlanishi barobarida avtomobil yo`llardagi tig`izlikka barham berildi.

**Avtomobil transporti** yuklarni boshqa transportga qayta ortmay bevosita iste'molchiga yetkazib bera oladi. Avtomobil transporti sanoat va qishloq xo'jaligi korxonalarini magistral transport bilan bog'laydi, shaharlardagi va shaharlar atrofi hududlardagi yuklarning asosiy qismini tashiydi.



**Atamalar:**

**Tranzit** - yuk yoki yo'lovchilarning oraliqdagi stansiya, viloyat, davlat orqali o'tishi.

**Yo'ning o'tkazish imkoniyati** – temiryo'ldan bir kecha –kunduzda o'tishi mumkin bo'lgan poyezdlar miqdori. Ikki yo'lli temiryollarning o'tkazish imkoniyati bir kecha kunduzda 150 juft poyezdga, bir yo'lli temiryo'llarda esa, 30 juft poyezdga yetishi mumkin.

**Magistral** (lotincha magistralis – asosiy) - asosiy yo'nalish, asosiy transport yo'li.

**Yangi mavzuni mustahkamlash:**

5-shart: Raqamlarni gapirtiring usuli orqali quyidagi topshiriq beriladi. Ushbu sonlar nimaga tegishli

1	6000 km	
2	850 metr	
3	XX asrning 40-yillari	
4	233 km	
5	1940-yillar	
6	64 km	
7	2270 m	
8	133 km	

9	125 km	
10	19 km	

### To`g`ri javob:

1	6000 km	O`zbekistondagi temiryo`llarning umumiy uzunligi
2	850 metr	Jizzax-Samarqand oralig`idagi temiryo`lning dengiz sathidan balandligi
3	XX asrning 40-yillari	Ko`mir koni ishga tushirish maqsadida temiryo`l qurildi
4	233 km	G`uzor-Boysun-Qumqo`rg`on temiryo`li uzunligi
5	1940-yillar	Toshkent-Sirdaryo-Jizzax Katta O`zbek trakti qurilgan
6	64 km	Toshkent halqa yo`li uzunligi
7	2270 m	Qamchiq dovoni mutloq balandligi
8	133 km	Tajan-Saraxs yo`li uzunligi
9	125 km	Angren-Pop temiryo`li uzunligi
10	19 km	Angren-Pop yo`nalishidagi tunelning uzunligi

### Xarita bilan ishlash

O`zbekiston xaritasidan foydalanib, temiryo`l va avtomobil yo`llari tarqalgan hududlarni ko`rsatish. Bu yo`llar qaysi hududlarni bog`laydi.

1. Toshkent – Yangiyo`l – Chinoz – Sirdaryo – Guliston
2. Toshkent – Xojikent, Toshkent – Angren
3. Guliston – Xovos – Bekobod va Guliston – Xovos – Jizzax
4. Toshkent – Keles – Nazarbek – Toshkent
5. Qo`ng`irot – Beynov
6. Toshkent – Angren – Qo`qon
7. Andijon – O`sh – Ergashtom – Qashqar
8. Termiz – Hirot - Karachi

### O`quvchilarni baholash.

Faol ishtirok etgan o`quvchilar baholanadi. Baholar jurnal va kundalik daftarlarga qo`yiladi.

**Uyga vazifa:** Mamlakatimizda qaysi transport turidan kelajakda keng fodalanishni yo`lga qoyish mumkun? O`z fikringizni bildiring.

## ГЛОССАРИЙ

**Академия** – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

**Амалий ишлар методи** – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларни шакллантирувчи метод.

**Ахлоқ**- (лот. “moralis”- хулқ-атвор) ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатни тартибга солувчи муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлар йиғиндиси.

**Ақлий тарбия** –шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришда йўналтирилган педагогик жараён.

**Абстрактлаш** – мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат.

**Аксиология** – қадриятлар тўғрисидаги фан.

**Башоратлаш** - бўлажак дарсни ташкил этилишининг турли вариантларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

**Билим**– шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

**Брейнсторминг**- ўқувчиларнинг ижодий ишларини ҳамкорликда ташкил этишларига оид махсус метод.

**Дарс жадвали** - ўқув режасига кўра ўқув ҳафтасининг ҳар бир кунда синфлар бўйича ўқув машғулоти педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ, кетма-кетлигини белгиловчи ҳужжат.



**Дидактик ўйин** – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

**Дидактик эксперимент методи** - борлиқни ўзгартириб, унинг ички қонуниятларини ўрганиб, унга таъсир этишнинг самарадорли методларини аниқлашга қаратилган тадқиқот методи.

**Дастурлаштирилган таълим бериш** - бу ғоя 1950 йилларда илгари сурилган. Дастурлаштирилган таълим бериш асосини тартибга келтирган топшириқларни намоён қилувчи, ўзгартирувчи дастур ташкил этади.

**Эвристик** — ўқувчиларда топқирлик, фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув жараёни.

**Эксперимент (лот. experimentum - тажриба, синаб кўриш)** - фанда нарса ва ҳодисаларни сезги-предмет фаолияти билан тадқиқ қилиш, ўрганиш ва кузатишга қараганда юксакроқ билиш методи; 2) муайян илмий мақсадга эришишни кўзлаб ўтказиладиган тажриба.

**Экстерн** - ўқув муассасасида таълим олмасдан, курс бўйича имтиҳон топширувчи шахс.

**Эмпирик метод** - тажриба-синов методикасига маълум бўлган адабиётлар, ғоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида туғиладиган фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳасини синаб кўриш ва амалий татбиқ қилиш методи.

**Энержайзер (фаоллаштириш) машқлари** - таълим жараёнининг фаоллаштирувчи методларидан бири. Ўқувчиларда изланувчанлик, топқирлик хислатларини шакллантиришга қаратилган адабиёт таълими жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методи

**Феноменал хотира** - идрок қилинган нарса ва хусусиятларни, уларнинг боғланиш муносабатларини фавқулодда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборат нодир қобилият.

**Глоссарий** - муайян мавзуга оид атамаларни қамраб олган кичик хажмли луғат.

**Гипотеза**– ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шакли.

**Гнесология**- билиш ҳақидаги таълимот

**График организерлар** – ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график организерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда восита вазифасини қўлласса, ўқувчиларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш, ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради.

**Ижтимоийлашув**– инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолияти жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

**Инновация** – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.

**Интерфаол методлар** – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи ўқувчиларнинг ўзаро фаоллашувларига қаратилган йўл ва методлар йиғиндиси.

**Жамоа монография**- ягона муаммони ёритишга бағишлаб бир неча шахс томонидан ёзилган илмий асар.

**“Кластер” методи**- 1) ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, атамалар, тушунчалар ва воқеаларнинг бир- бири билан боғлиқлигини англаб олишга ўргатувчи метод; 2) кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб,

таҳсил олувчиларга ихтиёрий муаммо(мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам берадиган методдир.

**“Картографик тадқиқот” методи**- вақеа- ҳодисаларни билиш, илмий таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб бериш учун тайёр географик Ҳариталардан фойдаланиш методи.

**Кичик гуруҳларда ишлаш** – бу кичик гуруҳларни шакллантириш, гуруҳларга топшириқлар бериш, кўрсатма бериш ва йўналтириш; гуруҳлар тақдироти; муҳокама, таҳлил ва баҳолашдан иборат.

**Кейс** (инг. Case- ҳодиса, шарт- шароит)- амалий муаммолар ифодаланган ўқув материаллари йиғиндиси.

**Кейс методи**- ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган метод.

**Когнитив**- шахсинг мустақил фикрлаш жараёни.

**Компетенсия**- у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик, қобилият, лаёқат.

**Креатив тестлар**- (лотин. creato- ижод қилиш, яратиш) шахсинг ижобий лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш методикалари мажмуи.

**Когнитив харита** - муаммоли вазиятнинг характери ва тузилмаларини белгилашга қаратилган тадқиқот объектидаги сабаб-оқибат алоқаларининг жадвалли акси.

**Кодлаштириш** - Кодлаштириш деб ахборотни бир тизимдан бошқа тизимга маълум бир белгилар ёрдамида белгиланган тартиб бўйича ўтказиш жараёнига айтилади.

**Комбинациялаштирилган инновациялар** - Ишлаб чиқариш омилларини турли хилдаги комбинацияларда ишлатилишга асосланувчи инновациялар

**Коммуникатив қобилият** -Бошқаларнинг рухий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик муносабатида бўлиш асосида таълим ва тарбия бера олиш қобилиятидир.

**Коммуникатив қобилият** -Мулоқот ўрнатиш, таъсир қилиш, ишонтириш, далиллаш, нотиклик лаёқати.

**Коммуникация** – бу кишилар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашуви

**Компетенция**-маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти.

**Лойиҳалаш методи**- педагогиканинг прагматик ёъналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли.

**Лойиҳалаш** –олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўллари аниқлаш.

**Методик компетентлик** – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

**Метод** – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш методи; 2) ҳаракат қилиш методи, тарзи.

**Методика**– бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар.

**Методология**- дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот.

**Муаммоли ўқитиш** – ўқув машғулоти ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида ўқувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

**Мунозара**– фаол таълим услуги бўлиб, муҳокама маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади.

**Модератор** - ( лотинча *moderor* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, ўқувчиларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

**Нутқ қобилияти** – шахснинг ўз ҳис-туйғуларини нутқ, шунингдек, мимика, пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан ифодалаб бериш қобилияти

**Нутқнинг вазифалари**- Нутқ воситасида боланинг ҳис-туйғулари, ўқувчилар орасида мулоқот олиб бориш, олинган маълумотларни онгли таҳлилий идрок этиш

**Семантика**- юнонча, “*semantikos*” ифодаловчи, билдирувчи деган маънони англатади. Тилшуносликда тил бирликларининг маъноси сўзнинг семантикаси.

**Таълим** – ўқитишнинг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар ва тафаккур методларининг тизими.

**Таълим воситалари**- ўқув материални кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

**Таълим шакллари** (форма-лотинча-ташқи кўриниш) – бу метод ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ.

**Тарбия технологияси** – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир

босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

**Услугият**- тил бирликларининг услубий имконият ва хусусиятлари, функционал услубий эмотсионал-экспрессив бўёғи, шунингдек нутқда тил воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

**Зеҳн**- идрок, фаҳм, хотира, тушуниш қобилияти. Унинг зеҳни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди.

**Ўқитиш методикаси** – педагогика фан ва амалиётининг бир қисми бўлиб, ўқувчининг ўқув фани мавзуларини қабул қилиб олиши ва уни амалиётга қўллашига оид қонуниятларни (баён қилиш ва ўзлаштириш) татқиқи билан шуғулланадиган фан.

### Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.
2. М.Пардаева. Умумий ўрта таълим мактабларида компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг методик тизими бошқариш. Пед. фан. док. (PhD) ... дисс. – Т. : 2020.
3. М.Юлдашев. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2016.
4. Интернет материаллари: <https://edunews.ru/onlajn/info/distacionoe-obuchenit-v-schole.html>.
5. Б. Ходжаев. Метод, усул ва технология... мазкур тушунчаларни фарқлай оласизми?. Маърифат. – Т.: 2018.
6. Созонова С. Д. Использование технологии проектного обучения на уроках в начальной школе. — Чита: 2018. — С. 95-98.
7. Ш.Сатторов. Биз ғалаба қозонамиз. – Т.: Bilim va intellectual salohiyat, 2018.
8. Ходжаев Б. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш. Пед. фан. док. ... дисс. – Т. : 2016. – Б. 8, 11-12, 50, 77, 80-82.
9. Вахобов М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш. Пед. фан. док. ... дисс. – Т. : 2016. – Б. 5, 11, 15.
10. Сафарова Р ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси // Fan va texnologiya . – Т.: - 2014. – Б.13.
11. Ибрагимова Г. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Пед. фан. фал. док. ... дисс. – Т. : 2017. – Б. 7.
12. П. Ғуломов ва б. География 5-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. Тошкент “Тафаккур” 2016.
13. Ishmuhamedov R. va b. Ta’limda innovatsion texnologiyalar T, 2008.
14. Rafiqov V. Qiziqarli geografiya. T. 2010

15. Nikadambayeva X. O`rta Osiyo tabiiy geografiasini o`qitishda ilg`or pedagogik texnologiyalardan foydalanish. T. 2017
16. Nikaqadambayeva X. "O`zbekiston tabiiy geografiasi" fanini o`qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish metodikasi. T, 2015
17. Mirakmalov M.T. Avezov M.M. Nazaraliyeva E.Y. Tabiiy geografiyadan amaliy mashg`ulotlar. T. 2015
18. O`zbekiston geografiya jamiyati AXBOROTI. 48-jild. Toshkent-2016.
19. O`zbekistonda geografiya ta`limi metodikasi va toponimika: Tarixi, muammolari va istiqbollari. T, 2019



